O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **22** сентябрь, жума № **38** (2165).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **22** сентября, **2006** год, № **38** (2165).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФАРҒОНА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 20 сентябрь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида барпо этилган савдо мажмуини бориб кўрди. Бу ерда тўрт юздан ортиқ савдо дўкони бўлиб, харидорлар, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Президент ушбу мажмуа ишини янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан шу кунларда мазкур шаҳар тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрида бўлиб, юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишди.

Бугун Марғилон шаҳрида бўлган киши бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Айни пайтда шаҳардаги 35 та иншоотда қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этаётир. Улар орасида Пир Сиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон мадрасаси бор. Бу ерда ёшлар учун ўзига хос кўриниш ва қулайликларга эга "Ёшлар хиёбони" бунёд этилмоқда. Шаҳар марказидаги шоҳбекатни қайта қуриш, Мустақиллик, Туркистон, Навоий, Марғиноний ва Ал-Фарғоний кўчаларини капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида Узунҳовуз маҳалласида сув тармоғини қуриш, Ёвқочар маҳалла ҳудудидаги магистрал газ тармоғини ҳалқалаштириш, ичимлик сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада яхшилаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Ипакчилар шаҳарчасининг "Турон шойиси" корхонаси ҳудудида замонавий савдо мажмуаси барпо этилмоқда. Шаҳарчани темир йўл мавзеси билан боғловчи автомобиль йўли қурилиши давом этмоқда.

– Икки минг йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган Марғилон шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга, бу ерда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, – деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ бу йил Фарғона вилоятида 85 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Иккита янги мактаб бунёд этилди. Жумладан, Марғилон шаҳрида салкам минг ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди. Лекин асосий мақсад таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгартириш, уларнинг шароитини яхшилашдан иборат эмас, балки уларда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан камолга етган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Президентимиз Марғилон шаҳрида қад ростлаган янги тиббиёт коллежида бўлиб, мазкур таълим маскани ўқувчилари ва педагоглари билан суҳбатлашди. Бундай таълим масканларида, аввало, таълим мазмуни ва маънавий томонларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, тиббиёт коллежи билан поликлиниканинг бир жойда жойлашгани амалиёт нуқтаи назаридан мақбул бўлса-да, аҳоли ва ўқувчилар учун муайян ноқулайликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу боис поликлиникани коллеждан ажратиш лозим.

– Коллежда ўқувчиларнинг ўқиши, дам олиши замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун бу ерда ётоқхона ҳам бўлиши зарур, – деди давлатимиз раҳбари. – Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсадимиз фарзандларимизнинг мукаммал таълим-тарбия олишлари, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Юртбошимиз Марғилонда яқинда қурилиши ниҳоясига етган қирқдан ортиқ оилага мўлжалланган шинам уйларни кўздан кечирди. Хонадонларда яратилган қулай шароитлар билан танишиш чоғида кишиларнинг руҳини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бундай амалий ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мужассам. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, ислоҳот – ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Масъуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Аскарликка чоғланар йигитнинг асли

Комолиддин ТЎРАЕВ сурата олган.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЭРК СЎЗИ НАҚАДАР ТОТЛИ

Биз ким – миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи туркнинг бош бўғинимиз.
Амир ТЕМУР

Қадим дунё тарихи битилган манбаларни бирма-бир варақлаб чиқинг, катта-кичик халқларнинг, миллатларнинг узоқ ўтмишига назар солинг, шунда азалий ҳақиқатни – озодликка, эркка ташналик ҳар доим одам боласининг руҳий оламини, маънавиятини белгиловчи асосий восита бўлиб келганлигини чуқурроқ англаб етасиз. Айниқса, туркий халқларда, ўзбекларда бу туйғу янада устувор аҳамият касб этганидан, ота-боболаримиз инсон, миллат, давлат эркини яхлит бир тушунча сифатида ҳис қилганларидан кўнглингиз чексиз ғурурга тўлади. Беихтиёр халқимизнинг «Широқ», «Тўмарис», «Алпомиш», «Гўрўғли», «Ойсулув» каби қиссаю достонлари эсингизга тушади. Ҳа, ўзбекнинг қалб меваси бўлмиш ушбу шоҳ асарларда юрт ҳимоячилари, аниқроғи, ҳурлик энг юксак парда-даларда мадҳ этилгани, улуғлангани бежизга эмас. Чунки, миллатнинг ўтмиши, бугуни, эртаси айни шу нарсаларга боғлиқ. Аввало ўз қўрғонинг – Ватанинг, кейин уни ҳимоя қиладиган ўғлонларинг бўлиши керак. Ана ўшандагина миллат, давлат равнақи учун жон куйдириш мумкин. Бу фикримизнинг тўғрилигини исботлаш учун узоққа боришга асло ҳожат йўқ. Дунё сиёсати, илм-фани, маданияти, тараққиётини белгилаган, асрларни қаритган салжуқийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар, усмонийлар каби қудратли туркий давлатлар, салтанатлар ота-боболаримизнинг элим, юртим дея яшаганликларига, миллат, давлат учун чексиз фидойилик кўрсатганликларига яққол мисол бўла олади.

(Давоми 8-бетда).

Узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть

ЗАЛОГ НАШЕЙ ПРОЧНОСТИ, СИЛЫ И НЕПОБЕДИМОСТИ

На торжественной церемонии, посвященной 15-летию нашей независимости, Президент страны Ислам Каримов еще раз подчеркнул, что узбекский народ никогда и ни от кого не будет зависеть. «Залог этого – наши Вооруженные Силы, как зеницу ока охраняющие мирную жизнь и безопасность страны, неприкосновенность ее границ, мужественные и преданные Родине, по своим профессиональным качествам отвечающие самым высоким требованиям и способные противостоять любому агрессору».

В канун 15-летнего юбилея Вооруженных Сил эти слова главы нашего государства – высокая оценка деятельности Вооруженных Сил по выполнению задач защиты суверенитета страны, территориальной целостности и мирного труда граждан и одновременно – твердая уверенность в том, что наша национальная армия будет и впредь надежно охранять мирную жизнь народа, безопасность независимой Родины и неприкосновенность ее границ.

На чем базируется наша уверенность?

(Окончание на 3-й стр.).

Муштарийларимизга

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Шу кунларда хориж оммавий ахборот воситаларида Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанада Президентимиз Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи, умуман, ўз тараққиёт ва истиқбол йўлини танлаган, бу йўлда собитқадамлик билан бораётган Ўзбекистон ҳақида бир қатор мақолалар чоп этилмоқда. Мамлакатимиздаги чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб, кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотларга, уларнинг кейинги йилларда бераётган самарасига холис баҳо берилмоқда. Бундайин эътирофлардан, барқарор тараққиётимиздан келиб чиқадиган хулоса аниқ – биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муаммолар, қийинчиликлар, синовларни мардона енгиб, халқимиз хоҳиш-иродаси билан танланган истиқбол ва тараққиёт йўлимиздан дадил қадамлар билан бормоқдамиз. Эзгу мақсад, ниятларимиздан бизни оғдирмоқчи, танлаган йўлимиздан чалғитмоқчи бўлаётганларга қатъий, аниқ жавобимиз шундай – ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари тантанада сўзлаган нутқида халқимиз ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйсунмаслиги, қарам бўлмаслигининг мезони сифатида тинчлигимиз ва хавфсизлигимиз ҳимоясида, чегараларимизни дахлсиз сақлаш йўлида мардона турган, бугун жасорат ва фидойилик мактабини ўтаётган, замон талабига жавоб берадиган ва ҳар қандай зўравон босқинчиларга зарба беришга қодир бўлган Қуролли Кучларимиз борлигини фахр билан тилга олади.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг метин қалқони бўлмиш миллий армиямиз ислоҳотлар натижасида қудрати, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорати бобида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага етмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Унинг сафларидаги ўғлонларимиз энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллашиб, ақл-заковатда, интеллектуал салоҳиятда, халқига, Президентига садоқатда намуна бўлишмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ҳа, амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва зиё маскани олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантирмоқда. Шу сабабли бу мактабни ўтаган мардларимизга таянишимиз, суянишимиз мумкин.

Ватанимиз ҳимоячилари Юртбошимизнинг байрам тантанасидаги сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни чуқур англашиб, жанговар шайликларини, юртга бўлган садоқат ва матонатни янада оширишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Қуролли Кучларимиз сафларини бутлашга, ҳаёт мактаби бўлмиш миллий армиямизда хизмат қилишга ошиқаётган, кўрик-танловлардан ўтаётган йигитларимиз қалбларида ҳам нутқ замиридаги фахр, ифтихор, устувор вазифалар матонат, садоқат туйғуларини алангалатмоқда.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз довруғини дунёга таратишда спорт ва санъатнинг ўрни алоҳида экани яққол намоён бўлмоқда. Албатта бунда ёш спортчи ва санъаткорларга берилаётган эътибор алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда иқтидорли ёшларни тарбиялаб етиштириш, уларнинг ўз истеъдодини рўёбга чиқариши учун қулай шароит яратиб беришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Бевосита санъат соҳасида фикр юритадиган бўлсак, бундай эътибор самараси ўлароқ, сўнгги тўрт йил ичида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари ҳамда махсус илм масканлари ва ижодий жамоаларда таҳсил олаётган 168 нафар талаба хорижий давлатларда ташкил этилган турли халқаро танловларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб келишди. Уларнинг 67 нафари ана шундай танловлар ва фестивалларнинг ғолиби бўлишга эришдилар.

Президентимиз И.Каримовнинг «XXI аср интеллектуал авлодининг замони» деган ибораси бугун ўз ифодасини топмоқда. Зотан, истиқлол туфайли ўз иқтидорини нафақат Ўзбекистонда, балки дунё миқёсида намоён этаётган ёшларимизнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бораётганини ифтихор билан айтиш мумкин. Ўз навбатида, таълим йўналиши бўйича юқори кўрсаткичларга эришиб, хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтаётган талабаларимиз ҳам Ўзбекистон шаънига айланишмоқда.

(Давоми 8-бетда).

2 ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР
ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО ПРОДОЛЖАЕТСЯ

9 2006 ЙИЛ – ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ
ШИРИН СЎЗ ҲАМ ШИФО

10 ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ
ЁШ ОИЛА ҲУЗУРИДА

11 СИЗНИНГ ТЕНГДОШИНГИЗ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Кузги чақирув – 2006

ОМАД КУЛИБ БОҚСА...

Тошкент шаҳар Миробод тумани мудофаа ишлари бўйича бўлимида бўлганимизда, чақириқ ёшидаги йигитларнинг тиббий кўрикдан ўтаётганининг гувоҳи бўлдик. Маълумки, ўтган ойнинг охирида Президентимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Демак, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган чақирув ёшидаги фуқаролар жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида йигитлик бурчларини ўташга отланадилар. Айни пайтда эса, жойларда миллий армиямиз сафларидан ўрин олишга интилаётган қўплаб йигитлар орасидан энг саралари, муносибларини, жисмонан бақувват ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлганларини танлаб олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тиббий кўрик эса, биласизки, босқичма-босқич олиб борилувчи танловнинг муҳим жиҳатларидан саналади.

Тажрибали катта шифокор-терапевт Дилфуза Муҳсимова бошчилигидаги тиббий комиссия аъзолари йигитларни кўрикдан ўтказиб, турли кўрсаткичлар натижалари ҳамда ташҳислардан келиб чиққан ҳолда текширилувчилар соғлигининг умумий ҳолатини аниқламоқдалар. Раҳматилла Охунжонов, Ляля Насибулина, Барно Азимова, Абдуғани Норбоев сингари малакали мутахассислар бу борада бор маҳоратларини ишга солмоқдалар.

– Чақирув масалалари билан боғлиқ, муддатли ҳарбий хизматга отланган ўғлонларни тантанали равишда кузатиш ҳамда армиядан қайтиб келувчиларни муносиб тарзда кутиб олиш тадбирларини юқори савияда ташкиллаштиришда маҳалла фуқаролар йиғини раислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан узвий ҳамкорликда бўламиз, – дейди чақирув бўлими бошлиғи капитан Эркин Қўчқоров. – Таъкидлаш жоизки, Ватан ҳимоячиларига ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан берилаётган юксак эътибордан нафақат армияга йўл олаётган йигитлар балки уларнинг ота-оналари, яқинлари жуда мамнун ва миннатдорлар.

Насиб этса, саралар орасидан жой олувчи ва айни пайтда тиббий кўрикдан ўтаётган чақирилувчилар фикрини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

– Эгнимга ҳарбий либос кийишни ният қилдим, – дейди Тошкент Давлат авиация институтини битирган Акмал Каримов. – Талабаликни олтин давр, дея таърифлашади. Аслида ҳам шундай. Бироқ йигит кишининг ҳар томонлама шаклланиши, баркамоллашишида ҳаёт мактаби яъни, армия ҳам муҳим аҳамият касб этиши ҳақида хизматни ўтаб келган дўстларим, танишларимдан кўп эшитганман. Ўйлайманки, ўзим ҳам бунинг гувоҳи бўламан.

– Мен ҳам олий маълумотлиман, – дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти собиқ талабаси Ҳусан Тўраев. – Агарда кўрик-танловлардан муваффақиятли ўта олсам, Қуролли Кучларимиз сафларида тўққиз ой хизмат қиламан.

– Умумтаълим мактабини тамомлаганман, – дейди Акмал Каримов. – Муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳар томонлама ўрнак бўла олган, намунали посбонларга катта имтиёзлар берувчи Тавсиянома тақдим этилишидан хабарим бор. Тўғри, унга талабгорлар жуда кўп бўлади. Зеро, армияга борган йигитларнинг жисмонан ва ақлан етук бўлиши турган гап. Лекин бу ҳозирча иккинчи даражали масала. Чунки аввало, ўша сара ўғлонлар орасидан жой ола билиш керак.

Ҳа, Акмалнинг билдирган фикрлари жуда ўринли. Ахир тиббий кўрикдан муваффақиятли ўтганларни ҳали жисмоний тайёргарлик, билим даражасини аниқловчи тестлар кутмоқда. Буларнинг бари у ёки бу йигитнинг муддатли ҳарбий хизматга юборилиши, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этилиши ёхуд умуман хизматга бормаслигини белгилашда ҳал қилувчи, муҳим омил саналади.

Демак, юқоридаги каби сўз юритувчи йигитларнинг бугун диққат-эътибори бир нарсага қаратилган. У ҳам бўлса, мавжуд кўрик-танловлардан юқори кўрсаткичлар билан ўтиш. Айнан шундагина омад уларга кулиб боқади – миллий армиямиз сафларидан жой олишади.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.
Комол ТЎРАЕВ суратга олган.

Твои герои, Узбекистан!

СВЯЗЬ НЕ ДОЛЖНА ПОДВЕСТИ

Если вкратце, то именно так можно сформулировать смысл задач, выполняемых начальником радиостанции сержантом Иброхимом Каюмовым. И справляется с ними военный профессионал образцово – недаром его портрет красуется на стенде передовиков соревнования на звание лучшего по воинской специальности. Его ратный труд по достоинству оценен Родиной – в преддверии 15-й годовщины независимости нашей Родины Указом Президента Республики Узбекистан сержант И.Каюмов удостоен медали «Жасорат».

Тяга к сложной современной технике зародилась в его сердце еще в раннем детстве. Тогда он, вооружившись отверткой, разобрал новый отцовский радиоприемник. Ну не давало ему покоя внутреннее содержимое механизма. Нетрудно догадаться, что последовало тогда за этим «экспериментом». Однако отцовское внушение не стало препятствием на пути к его интересу, а, напротив, усилило его. Чуть позже различные схемы радиоустройств, катушки, блоки, динамики стали обычным атрибутом его мальчишеского хобби...

Шли годы. Иброхим успешно окончил школу. Парню подошла пора служить в армии. В 1992 году, когда пришла в дом повестка из Мархаматского ОДО Андижанской области, Иброхим очень надеялся, что за время срочной службы он сумеет пополнить багаж своих знаний в любимой профессии. Он не ошибся. Здесь, на служебном поприще, его хобби стало востребовано. После принятия Военной присяги и окончания службы в учебном подразделении при распределении прибывший офицер-связист обратился к молодым воинам с вопросом: «Есть ли среди вас те, кто бы хотел продолжить дальнейшую службу в войсках связи?» Рядовой Каюмов оказался среди тех, кто ни минуты не колебался.

В подразделении связи с первых дней службы молодой воин завоевал авторитет своим трудолюбием и упорством. В течение нескольких месяцев ему удалось «вылечить» немало находящихся на вооружении радиостанций. Починке поддавалось практически все – антенна, тумблер, обнаруженные обрывы в пульте «прием-передача», контакты на схемах. Так солдат вкладывал частицу души, свое умение в укрепление боеготовности родного подразделения.

Безусловно, эти ценные качества воина сразу привлекли внимание командования части. По окончании срочной военной службы ему и предложили остаться на службе по контракту.

Сегодня за плечами сержанта Каюмова немало пройденных армейских дорог, крупных тактических учений, где приходилось обеспечивать связь в самых, как говорится, нештатных условиях. Но результат был всегда одинаков: абоненты довольны качеством работы, которая выполнялась безупречно.

– Хотелось бы отметить и такие положительные свойства характера этого военнослужащего, как коммуникабельность, открытость в общении, честность и порядочность, – говорит майор Рафик Минлишев. – А если добавить к этому и то, скольким молодым специалистам он помог обрести уверенность в собственных силах, преодолеть трудности, то становится понятным, почему многие называют его своим учителем и наставником.

Что же, как видим, мотив такого доверия довольно прост: не делит сержант Каюмов служебные обязанности на твои и мои. «Дела части – дела общие, – зачастую повторяет он, – и у каждого из нас должно болеть сердце за честь родного коллектива, гореть в душе огонь – огонь служения Родине».

Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

Ҳушёрлик – бизнинг қуролимиз

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК АСОСИДА

Қоровулга тушадиган шахсий таркибни тайёрлаш бўйича уч босқичли тартибни бекаму кўст бажарилиши ҳарбий объектларни кўриқлашда энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Жумладан, катта лейтенант Маъруфжон Жўрабоев хизмат қилаётган ҳарбий бўлинма шунқорлари ҳам айнан олдиндан пухта тайёрланишга катта эътибор қаратиши натижасида улкан ютуқларга эришмоқдалар.

Аскар бўлинма ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасига суҳбатга чақирилганида, унинг касбий, руҳий аҳволи, ҳатто оилавий шароитлари ҳам чуқур ўрганиб чиқилади. Биз борган вақтда гуруҳ командири катта лейтенант Бобир Ғозибеков қўл остидаги аскарларининг бирига тегишли баҳо бераётган экан.

Иккинчи босқичда эса бўлажак қоровул шахсий таркиби ўқув синфида назарий билимларини намойиш этиши талаб қилинади. Умумҳарбий низомларда белгиланган соқчи посбоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, постга тўсатдан ҳужум бўлганидаги ҳаракатлари, постлар чегаралари, тезкор алоқа воситалари орқали гаплашиш қоидалари бўйича билим ва кўникмалари текширувдан ўтказилади. Айнан шундай машғулотларнинг бирида офицер Бахтиёр Алимов аскарларга макетда постлардаги хатти-ҳаракатлар ҳақида тушунчалар бераётганининг гувоҳи бўлдик..

Тайёргарликнинг учинчи босқичи нарядга тушиш кунида амалга оширилади. Унда қоровул аъзолари амалий машғулотларда иштирок этиши орқали шайлигини яна бир бор тасдиқлаши шарт. Учинчи босқичдаги машғулотларда жанговар қуролни ўқлаш ва ўқсизлантириш тартиби амалда намойиш этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Фақат юқорида кўрсатилган уч босқичдан иборат тайёргарлик тартибидан муваффақиятли ўтган посбонларгина қоровуллик хизматини ўташга жўнатилади. Бундай пухта шайланиш қоидаларига оғишмай риоя қилиш афзалликларини илғор бўлинма аъзолари бир неча бор амалда исботлашган. Ҳушёр турган профессионал посбонлар ўз постларида айрим нопок кимсаларнинг ғаразли ниятларини тезкорлик билан бартараф этганлар. Улар ҳозирда ҳушёрлик – энг муҳим қуролимиз эканлигини идрок этган ҳолда, ўз ҳимояси остидаги объектлар мустаҳкам мудофаа қилинаётганини доимо исботлаб келмоқдалар.

Майор Байтак АЛИЕВ.
Комол ТЎРАЕВ суратга олган.

Информация в номер

ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО ПРОДОЛЖАЕТСЯ

В эти дни в Краснодарском крае Российской Федерации проходит второе совместное узбекско-российское антитеррористическое учение. Как известно, в прошлом году успешно прошло первое такое учение на одном из полигонов Вооруженных Сил нашей страны. Сейчас воины-узбекистанцы находятся с «ответным визитом» в Российской Федерации, представляя перед своими партнерами высокий профессионализм, военное мастерство, которыми обладают защитники независимости Узбекистана.

В учении задействованы подразделения специального назначения Северо-Кавказского военного округа и воздушно-десантных войск Российской Федерации и их коллеги – подразделение воинов-узбекистанцев. К проведению учения также привлечены российские вертолеты Ми-8 и Ми-24, гаубичные системы.

Целью данного учения является выработка единого алгоритма работы органов управления по планированию совместных антитеррористических действий подразделений Республики Узбекистан и Российской Федерации, отработка порядка организации взаимодействия в ходе подготовки и проведения операции подразделениями вооруженных сил двух государств, обмен опытом в организации и проведении антитеррористических операций.

В торжественной церемонии открытия совместного учения выступили представители обеих стран. Во время пресс-конференции для журналистов руководители делегаций отметили, что такие учения полезны для военнослужащих двух стран, так как они выполняют общие задачи по сохранению мира и спокойствия. Руководители учения от обеих сторон ответили на вопросы журналистов. Здесь же состоялся концерт для участников учения.

На первом этапе учения штабом совместной группировки войск осуществляется планирование специальной операции по ликвидации «террористических групп». Также в этот период проводится подготовка подразделений к выполнению боевых задач в соответствии с принятым решением на проведение совместной специальной операции, после чего группировка войск выдвинется в районы боевого применения. На втором этапе учения военнослужащие Узбекистана и России отработают совместные действия по обнаружению, блокированию и уничтожению бандформирований.

Уже состоялись первые занятия по боевой подготовке группировки войск на войсковом стрельбище, в ходе которых подразделение во главе с капитаном Фархадом Салиевым в горном городке также показало свое умение по выполнению задач в горных условиях. Особенно заинтересовали партнеров навыки спасения раненого в горных условиях в носилках из простой веревки. Капитан Максим Шавалов и младший сержант Гулам Султонов успешно продемонстрировали спуск и подъем в условиях горных вершин.

Уверенно действовали и военнослужащие подразделения старшего лейтенанта Равшанбека Разумова, штурмовавшие многоэтажное здание, которое было захвачено условными террористами. Но сложность состояла в том, что по условиям проведения занятия у террористов были «заложники». Несмотря на это личный состав со своей задачей по освобождению «заложников» и уничтожению «террористов» справился успешно.

Учение продолжается.

Капитан Алишер БАБАХАНОВ.
(Из района учений). Фото **автора.**

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА 2005–2006 ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНИЙ СИНОВИ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида қўйилган талаблар – ҳарбий ислоҳотларнинг навбатдаги вазифаларидир.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳияти.

3. "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият" (Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси асосида).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳияти.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган байрам тантанасидаги нутқи.

6. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб, 10 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисдаги маърузаси асосида).

7. Марказий Осиё минтақаси ва жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари.

8. Миллий хавфсизликка таҳдидлар ва уларни бартараф этиш тамойиллари (мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» номли асари асосида).

9. Широқ, Спитамен ва Тўмариснинг миллий озодлик учун олиб борган курашлари.

10. Нажмиддин Кубро, Абу Муслим ва Муқаннанинг миллий озодлик учун олиб борган курашлари.

11. Жалолиддин Мангубердининг миллий озодлик йўлида олиб борган курашлари.

12. Марказий Осиёда миллий озодлик курашлари тарихидан (қадимги даврдан XIУ асрнинг биринчи ярмигача).

13. Ўзбекистон – қадимий маданият маркази.

14. Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк аждодларимиз (Ибн Сино, ал-Хоразмий, Беруний, Мирзо Улуғбек).

15. Марказлашган мустақил давлат асосчиси Амир Темурнинг ички ва ташқи сиёсати, ҳарбий санъати.

16. Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги халқ озодлик курашлари.

17. Мустақилликнинг маънавий асослари (мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», «Адолатли жамият сари», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» асарлари асосида).

18. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлатнинг асосий қонуни.

19. Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши, миллий рамзлари ва тимсоллари, маъмурий-ҳудудий бўлиниши.

20. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи – Олий Мажлиснинг тузилиши ва вазифалари.

21. Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи органи – Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимликларнинг тузилиши ва вазифалари.

22. Ўзбекистонда жамиятни демократиялаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари.

23. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қуролли Кучлар ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўғрисида.

24. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – давлат миллий хавфсизлигининг кафолати.

25. Миллий истиқлол ғояси – жамият ривожланиши ва миллий давлатчилик вужудга келишида асосий омил.

26. Миллий ўзликни англаш – ватанпарварлик асоси.

27. Қўл остидагиларга нисбатан ғамхўр бўлиш, улар эҳтиёжларини билиш ҳар бир командирнинг бурчи ва вазифаси.

28. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни Қуролли Кучларни қўллаш тўғрисида.

29. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ҳарбий хизмат турлари ва ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида.

30. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ислоҳотлари ва улардан кўзланган мақсад.

31. Умумҳарбий низомлар – ҳар бир ҳарбий хизматчининг ҳаёт қонуни. Ҳарбий хизматчиларнинг Умумҳарбий низомлар талабларини бузганликлари учун жавобгарликлари.

32. Интизом низоми ҳарбий интизом моҳияти ва ҳарбий хизматчиларнинг унга риоя қилиш мажбуриятлари ҳақида.

33. Армияда яккабошчиликнинг қонуний асослари. Ҳарбий хизматчиларнинг бўйсуниш тартибини бузганликлари учун жавобгарликлари.

34. Ҳарбий хизматчиларнинг давлат мулки ва ҳарбий мулкни ўғирлаганлик, талон-тарож қилганлик учун жавобгарликлари.

35. Жанговар шайлик ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари, шакл ва услублари.

36. Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича тарбиявий ишларнинг асосий мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари.

37. Замонавий жангда ҳарбий хизматчилар юксак маънавий-руҳий сифатларининг аҳамияти.

38. Сержантлар – Қуролли Кучларнинг суянчи ва таянчи. Сержантлар етакчилик ролини ошириш бўйича офицерларнинг вазифалари.

39. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларга ва оила аъзоларига давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.

40. Сергак бўлиш, давлат сири ва ҳарбий сирни қатъий сақлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти.

41. Ҳарбий қасамёд – маънавий, ахлоқий ва умуминсоний қадриятлар тимсоли.

42. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий демократик давлат қуришда тутган ўрни ва роли.

43. Динининг пайдо бўлиши ва унинг шакллари.

44. Жаҳон динлари (иудаизм, зардуштийлик, христианлик).

45. Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг оқимлари.

46. Ислом таълимоти ва Қуръон.

47. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни.

48. Диний фундаментализмнинг юзага келиши ва мақсади.

49. Ақидапарастликнинг келиб чиқиши.

50. Ваҳҳобийликнинг юзага келиши ва унинг ғоялари.

51. Диний экстремизмнинг пайдо бўлиши ва мақсади.

52. Ўзбекистонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва улар келтирган кулфатлар. Террорчилик ҳаракатлари раҳнамоларининг кўзлаган мақсади.

53. Жаҳон миқёсида терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмга қарши олиб борилаётган курашлар, Ўзбекистон давлати томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар.

54. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақада хавфсизликни таъминлашдаги роли.

55. Қўл остидагиларни терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмга, жамиятимизга ёт ғояларга қарши кураш руҳида тарбиялаш – ҳар бир командирнинг бурчи ва вазифаси.

56. Терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм – инсоният ҳаёти ҳамда жамият тараққиёти учун катта хавф (Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номли асари асосида).

57. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг "Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" номли китобининг мазмун-моҳияти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

Эслатма: якуний синов тест саволлари ҳарбий хизматчилар тоифалари бўйича алоҳида тузилади, Мудофаа вазирининг буйруқлари ва директив ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилади.

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

ИСТИҚЛОЛДАН НУРАФШОН ХОРАЗМСАН

Хоразмга борганимда ҳар сафар ўзим учун ниманидир кашф этаман. Истиқлолнинг 15 йиллик тўйи арафасида вилоятга – бу қадим ва кўҳна заминга қадам ранжида қилар эканман, инсоният тарихидаги илк академиялардан бири бўлган Хоразм Маъмун академиясини бориб кўрдим. Президентимиз раҳнамолигида бу масканнинг қайта ташкил этилгани, унда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини кўриб, бу заминнинг минг йиллик қадимий тамаддун бешиги бўлгани, дунёга Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуддек буюк аллома зотларни бергани хаёлимдан ўтди. Фахр, ифтихор туйғулари қалбимда жўшди.



Дарҳақиқат, истиқлол сабаб вилоят кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, мустақиллик сабаб Хоразм тарихини ўрганиш, унда яшаб ўтган буюк аждодларимиз пок номларини тиклашга муваффақ бўлдик. Қайта ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясининг асосий йўналишларидан бири ҳам бундан 2700 йил олдин ўзбек давлатчилигининг тамал тошларини қўйган воҳанинг тарихини мукаммал ўрганишдан иборат.

Президентимизнинг шундай гаплари бор: «Агар мендан, Хоразм аҳли, аввало, қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, «Ғурури билан» деб жавоб берган бўлар эдим.

Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг ғурури баланд. Мен ғурури баланд деганда гердайишни эмас, балки ўз юрти, ўз тупроғи билан фахрланишни тушунаман.

Ғурури баланд деганда мен бу замин одамларининг, агарки, тоғ-тоғ олтин ваъда қилса ҳам, ўз туғилган ерини ҳеч қачон бошқа жойга алишмаслигини, ота-боболарим, аждодларимнинг хоки ётган шу юрт шон-шуҳратига ўз ҳиссамни қўшаман, деган эътиқод билан яшашини тушунаман». Ана шундай баланд ғурури, мардлиги, ўз юртига садоқати, матонати билан шуҳрат қозонган ҳарбийларни биламан. Хоразмнинг Қадам Вафоев, Салаймахсум Шарипов, Баҳодир Раҳимов, Музаффар Машарипов каби марду майдонлари билан кўп бора ҳамсуҳбат бўлганман. Президентимиз таъкидлаган ғурур – ўз она замини билан фахрланиш бор уларда. Шунинг учун улар миллий армиямиз шаклланиши, истиқлолимиз ҳимояси йўлида камарбаста.

Истиқлол сабаб Хиванинг 2500 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг тантана қилинди. Муқаддас «Авесто» китобининг 2700 йиллиги нишонланди. Бобомиз Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигини байрам қилдик.

Хўш, вилоятнинг истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қандай кечмоқда? Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 майда қабул қилган махсус қарорини таъкидлаб ўтиш лозим. «1999 – 2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида», дея номланувчи мазкур ҳужжатда устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бунга асосан мулк шакллари тубдан ўзгарди, тадбиркорлик ва ишбилармонликка эътибор янада кучайди, хорижий ҳамкорлар билан алоқалар кенгайди. Бунга мисол қилиб, ҳозирда кенг фаолият олиб бораётган 39 та қўшма корхонани, айни пайтгача рўйхатга олинган 21 минг 935 та кичик бизнес корхонасини келтириб ўтиш мумкин. «Осиётекстиль», «Хоразм-Нуртоп», «УНИ-ХО», «Боғоттекстиль» каби хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган корхоналар бугун пахтани қайта ишлашда нафақат вилоятда, балки республикада муҳим ўрин тутмоқда. Умуман олганда, вилоятда Германия, Россия, Туркия, Хитой каби мамлакатларнинг ишбилармонлари билан яқин ҳамкорликлар йўлга қўйилган.

Бектурди Жуманиёзов, Гулмат Ҳайитметов, Машариф Қаландаров каби машҳур деҳқон-фермерлари бор вилоят аҳли қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам жадал суръатларда иш олиб боришмоқда. Маълумотларга кўра, айни пайтда Хоразмда 17 мингдан ортиқ фермер хўжалиги бўлиб, етиштириладиган пахтанинг юз фоизи улар улушига тўғри келади. Бу ислоҳотлар сабаб ер ўз эгасига берилди, тўла фермер хўжаликлари ихтиёрига ўтказилди, дегани. Тупроғи кучли шўрланганига қарамасдан, вилоят аҳли мардонавор меҳнат қилади. 100 минг гектардан ортиқ ерда ғўза парваришлайди, ғалла экади, шоличилик билан шуғулланади. Шундайин қийинчиликларга қарамай, юқори ҳосил олиб, Ватан ободлиги, халқ фаровонлигига ҳисса қўшишга интилади. Хоразм деҳқонининг биргина омилкорлик, ишбилармонлигига минг таъзим қилсак арзийди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқиб, вилоятда улкан ишлар амалга оширилмоқда. «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда янги авлод дарсликлари яратиш ишига ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Хусусан, бизнинг ўқув муассасамизда автомобиль транспорти бўйича тайёрланаётган мутахассислар учун 6 та янги дарслик яратилди», дейди Олий Мажлис сенати аъзоси Эгамберган Каримов. Хива шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» директори Вера Пак, Гурлан туманидаги мактаб директори Анора Маҳмудоваларнинг Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланиши ҳам вилоятдаги мураббий ва устозларнинг таълим-тарбия соҳасида жавлон ураётгани, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш ишига улкан эътибор қаратаётганини кўрсатади.

2004 йилда Хазорасп туманида Амударё узра бунёд этилган 681 метрлик кўприк улкан коммуникациявий иншоот бўлди. Бир кечакундузда 14 та поезд, соатига мингдан зиёд автомобилни ўтказиш имкониятига эга кўприк бунёдкорлигимизнинг, ободлигимизнинг рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлолнинг 12 йиллигида Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган вилоят, «қуёшли замин» маъносини англатувчи Хоразмнинг бугунги қиёфаси аждодларнинг тарихий ва маънавий анъаналарини муносиб давом эттираётгани, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб келаётгани, уларни ёш авлод онгу шуурига сингдираётгани, бунёдкорлик ишқи-ла ёнаётгани билан янада гўзаллашиб бормоқда.

Сафар АЛИЕВ.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан

МИНГ БОР ТАЪЗИМ, УСТОЗЛАР

Мустақил тараққиётимизнинг дастлабки одимлариданоқ маърифатга, таълим-тарбияга эътибор қаратдик. Ҳа, ҳа маърифатни, ривожланишнинг маърифий йўлини кўзлаб, тараққиётга интиляпмиз. Илм-маърифатда ўз саодатимизни кўряпмиз. Бобокалонимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий мактабни бежиз тараққиётнинг боши, маданият ва саодатнинг дарвозаси, демаган-да. Ёки бўлмаса маърифатпарвар бобомиз Мунавварқори Абдурашидхонов мактабни маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарвозаси, дея номлаб, зиё масканига улкан баҳо берганида илмли мингни енгишига, илм-маърифат билан миллат гуркираб-яшнашига ишора қилгандир?!

Олимлар илк мактабнинг ёшини билиш учун изланишлар олиб боришган. Шулардан бири америкалик атоқли шарқшунос Сэмюл Крамер бўлади. Тадқиқотлари давомида олим илк мактаб бундан 5 минг йилча муқаддам Шарқда пайдо бўлганини эътироф этади. Ҳа, донишманд Шарқ бағрида шумерлар ўзига хос таълим тизимини яратишган. Бундан энг қадимий муассасалардан бири мактаб эканлиги, аждодлар дунёни таниш, англаш таълим-тарбияга боғлиқ эканлигини ўшандаёқ ҳис қилгани борасида хулосалар келиб чиқади.

Таълим-тарбия жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч, табиийки педагоглардир. Айнан шунинг учун ҳам Шарқ педагогикасида ўқитувчига улкан эътибор қаратилган. Ҳатто биз 2700 йиллик тўйини тантана қилган муқаддас «Авесто» китобида ҳам ўқитувчи шахси хусусида айтиб ўтилган экан. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Зардушт ёмон ўқитувчилар хусусида шундай деган: «Ростини айтсам, ёмон устод ҳаётни ғамгин қилади, жоҳилларни улуғ санаб, буюк аёлу эркакларни Яздон неъматларига етишишдан маҳрум этади. Бундай устодлар ўз подуруст таълими билан халқни энг яхши юмушлардан бездирадилар, нотўғри пандлар билан халқни тирикчилик йўлидан уриб, ёмон йўлга бошлайдилар». Салкам уч минг йил муқаддам айтилган пурмаъно гапларнинг мағзи тўқ эканлигини, улар бугунимиз учун ҳам ибратлилигини инкор этиб бўлмайди.

Шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий бобомиз мударрисларнинг ҳалол, билимдон, маънавий жиҳатдан етук бўлиши лозимлигини ўзининг «Мажолисун-нафоис» китобида таъкидлаб ўтади. Бобомиз Мирзо Улуғбек талабаларнинг ўқишдан совиб кетишига ўқитувчининг разолати сабаб, дея айтган. Хуллас, машҳурларимиз ўқитувчи шахси, маънавиятида гап кўплигини кўп бора таъкидлашган.

Истиқлол сабаб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилдик. Бу муҳим ҳужжат замирида фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларга замон талабларига мос равишда сабоқлар беришдек устувор мақсадлар мужассам. Буни ҳаётга татбиқ этиш учун,табиийки, ўқитувчи, мураббий юксак билимга эга бўлмоғи лозим. Президентимиз ана шу долзарб масалага эътибор қаратиб, шундай деган эди: «Юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс – фуқарони камол топтириш эртага синфхоналарда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ». Келинг, бу борада кейинги пайтларда амалга оширилаётган муҳим ишларга эътибор қаратайлик. Шулардан бири Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурининг негизида ўқитувчиларнинг малакасини оширишдек устувор бир вазифанинг борлиги. Хўш, устозлар, ўқитувчилар бугуннинг талаблари доирасида ёшларга сабоқлар, таълим-тарбия беришлари учун дастурда нима ишлар кўзда тутилган? Таъкидлаш лозимки, Халқ таълими вазирлиги Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда педагогларни масофадан ўқитиш орқали малакаларини оширишни йўлга қўйиш борасида ишлар олиб бормоқда. Айнан мазкур лойиҳага кўра, 2005 – 2009 йилларда 413 мингдан ортиқ педагогни қайта тайёрлаш, билим, тажрибасини бойитиш кўзда тутилган. Бундан ташқари вилоят ва туман марказларидаги 70 та мактаб ҳузурида Таълим ресурс марказлари иш бошлаши режалаштирилганки, уларда ўқитувчилар ўз малакаларини оширишлари мумкин.

Буларнинг бари қобилият, зеҳн-заковат, ақлий салоҳиятда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурур, фахр-ифтихорни уйғотишга қаратилган. Жиззах педагогика институти ҳузуридаги иқтидорли болалар лицейи директори Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, «Антик дунё» халқаро илмий академиясининг профессори Марат Зокиров ёш авлодни ана шундай руҳда камол топтиришга бел боғлаганлардан.

«Заминимиз илм-фан бешиги бўлган. Илму маърифати билан жаҳонга довруқ солган. Истиқлол ана ўша булоқларнинг кўзини очишга имкон бермоқда. Ҳали фарзандларимиз дунё тамаддунида ўз сўзларини айтишади». Ана шундай ўй-хаёллар уни руҳлантирди, куч бағишлайди.

Марат Зокиров ва у бошчилигидаги педагоглар жамоасининг фидокорона хизматлари ўз мевасини бермоқда. Бугун лицей жамоаси Зулфия номидаги давлат мукофотини олишган қизлари билан фахрланади. Сайёра Муродова, Гулрух Мухторова, Дилфуза Ражабовалар шулар жумласидан. Бундайин устозлар, бундайин таълим масканларимиз борасида узоқ тўхталишимиз мумкин. Хуллас, ислоҳотлар жараёнида фидойилик кўрсатаётган, изланишлари билан ютуқларга эришаётган устозларга минг бор таъзим қилсак арзийди.

Шерзод ҚУРБОНОВ.

Ўқув-услубий йиғин

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Марказий офицерлар уйида Мудофаа вазирлиги томонидан тарбиячи офицерлар иштирокида ўқув-услубий йиғин иш бошлади. Йиғин жойларда ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматни ўташда хавфсизликни таъминлашга қаратилган тарбиявий ишларнинг ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш чоратадбирларига бағишланган.

Ўқув-услубий йиғинда Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратурасининг вакиллари, мамлакатимизнинг энг нуфузли олий таълим даргоҳларининг мутахассислари қатнашишмоқда. Шунингдек, йиғин иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази маданий тадбирларни амалга ошириши ҳам режалаштирилган.

Ушбу йиғин ҳақида батафсил маълумот газетанинг навбатдаги сонида эътиборингизга ҳавола этилади.

«ВАТАНПАРВАР»НИНГ МУХЛИСЛАРИ КЎП

Бугунги кунга келиб «Ватанпарвар» газетасининг ўқувчилари сафи сезиларли даражада кенгайди. Газета мамлакатимизнинг кўплаб оилалари, ўқув масканлари, ташкилот ва корхоналарига кириб бориб, севимли нашр сифатида эътибор қозонмоқда.

Айни кунларда республикамиз мудофаа бошқарма ва бўлинмаларида муҳим жараён – кузги чақирув бошланиш арафасида турибди. Бу жараён бошдан охир халқимиз диққат-эътиборида бўлиши билан ҳам ғоят аҳамиятлидир. Мамлакатимиз ҳаётида даврий равишда содир бўладиган ана шу жиддий жараён барча ўзгаришлари-ю, янгиликлари билан «Ватанпарвар» саҳифаларида акс этади.

Севимли газетамиз ҳақида эл-юрт ҳурматига сазовор инсонлар томонидан илиқ фикрлар эшитиш кўнгилли, албатта. Ана шундай фикрни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими, «Ҳурмат белгиси» ордени нишондори, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг аъзоси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компаниясининг «Қарши–Термиз» минтақавий узели бўйича муовини Отабек Аҳмедович Раҳимов билдирди:

– Жануб темирйўлларида амалга оширилаётган жуда кўплаб ишларда миллий армиямиз билан ҳамкорлик ҳам салмоқли ўрин тутади. Турли-туман юкларни ўз вақтида етказиш, йўловчиларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади. Армия ҳаёти янгича гўзал анъаналар билан бойиб бораётганини кузатиш ва кутиб олиш тантаналари ҳам яққол намойиш этмоқда. Буни жануб темир йўлларининг фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Ҳарбий хизматни ўташга йўл олган ёшлар учун барча қулайликларга эга вагонлардан фойдаланилади. Худди шунингдек, йигитлик бурчини ўтаб оилалари бағрига қайтаётган ўғлонларга ҳам шароитлари бадастур вагонлар хизмат кўрсатади. Фаолиятимиз армия билан боғлиқ экан, унда амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар, янгиликлар биз учун ҳам қизиқарли. Бу ҳақда зарур ва керакли маълумотларни «Ватанпарвар» саҳифаларида ўқиймиз. Шуни ҳам мамнуният билан айтиб ўтиш ўринлики, газета даврга ҳамоҳанг тарзда ижобий ютуқларга эришган. «Ватанпарвар»нинг жануб темир йўлларида ҳам мухлислари кўп. Унга кўп сонли жамоамиз номидан ижодий баркамоллик тилаб қоламан.

И.НОДИРШОҲОВА.

Конкурс на лучший экипаж танка, БТР, БМП (БМД)

СМОТР СЛАЖЕННОСТИ И МАСТЕРСТВА

В нашей газете уже проходили сообщения о проведении окружных туров конкурса на звание лучшего экипажа танка, БТР, БМП (БМД), проходящего в Вооруженных Силах при высокой активности участников. И вот состязания вышли на финишную прямую: самые сильнейшие экипажи военных округов в захватывающем соперничестве определят лучших по всем трем номинациям.

Участники финала вначале показали свои способности по физической подготовке: подтягивались на перекладине, бегали стометровку и кросс на три километра. По словам майора Баходира Тухтаназарова, подавляющее большинство членов экипажей проявили поистине армейский характер и волю к победе, продемонстрировав результаты, превышающие установленные нормативы.

Затем участники конкурса в одной из учебных аудиторий сдавали тесты по боевой и общественно-политической подготовке. Представительная комиссия во главе с офицером Николаем Хачатуряном обстоятельно довела до конкурсантов порядок сдачи тестов.

Очень волновался за своих танкистов майор Шавкат Азимов. Его подчиненные младшие сержанты Хуснитдин Улугов и Юсуф Тураханов, рядовой по контракту Пулат Усманов успешно прошли первое испытание. Лейтенант Рустам Салимгареев очень спокойно обводит кружками правильные варианты: командиру мотострелковой группы на БМП, лишь год назад закончившему прославленное ТВОКУ, эти вопросы памятны еще с выпускных экзаменов. Старший лейтенант Данияр Долимов за своих ребят также спокоен: танкисты дело свое знают превосходно.

Испытаниям по огневой подготовке предшествовала тщательная пристрелка вооружения, ведь экипажи готовились стрелять не из своих боевых машин. Впрочем, командира секции на БТР младшего сержанта Жахонгира Тангриберди-ева такое обстоятельство нисколько не смутило: настоящий профессионал после обучения в сержантской школе должен быть готов к подобным вводным.

С таким же решительным настроем всматривается в панораму прицела и наводчик-оператор БТР младший сержант Шукрулло Эргашев. У него есть превосходство перед соперниками, ведь прямо перед поездкой на финальный тур он успешно принял участие в батальонном тактическом учении с боевой стрельбой.

В последний день конкурса наступил «звездный час» и для механика-водителя БТР младшего сержанта Бахтиера Раджабова. Выпускник сержантской школы стремился показать все, на что способен, в ходе занятий по вождению. Однако об этом, как и об окончательных итогах конкурса, читайте в нашем следующем номере.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ҲАЁТ ГАВҲАРИ

Табиатнинг нечоғлик гўзаллиги, мукаммаллиги барчамизга аён. Йил тўрт фаслда ўз аксини топади. Фасллар эса ўзига хос бетакрорликда намоён бўлиш билан бирга, айни пайтда бири бошқасини тақозо этади. Зеро, баҳору ёз, кузу қиш – уйғун ва яхлит ҳодиса.

Ҳаётнинг мана шундай бетакрорлиги эса, унинг абадийлиги, давомийлигидан нишонадир. Бу абадийлик бардавомлик эса, ҳаётнинг шавқли кечаётган тириклик дамларининг нашидалари – мангу ҳаёт қўшиқлари билан ҳамоҳангдир.

Инсон эса ҳаёт қўшиғининг наинки куйчиси, балки ижодкори ҳамдир. Агар кузатадиган бўлсак, инсон умри ижодкорликдан иборат эканлигига амин бўламиз.

Боғбон кўчат экади. Кўчат кўкарса, ниҳол бўлиб илдиз отса, вақти келиб гулласа, ҳосил тугса, пишса, меваси одамларнинг оғзига етса, данаги сараланса-да, ундан янги кўчат униб чиқса, фурсатида ҳайванд қилинса, муваффақиятли пайванддан сўнг, у янги боғ бағрига қўшилса, боғбон кўнгли тинчийди, қилган иши ҳисобга ўтади. У меҳнату иштиёқи билан барпо этган бу боғдаги ҳар бир дарахт, бўстонидаги ҳар бир гул овозини жон қулоғи билан эшитиб туради, қуёш нурини эмиб, ернинг ҳаётбахш қувватидан баҳра олиб, парваришдан яшнаётганини кўргани сари завқига-завқ қўшилади.

Эътибор берадиган бўлсак, бундайин жараён, нафис завқ—ўқитувчилик, устозлик, тимсолида ҳам яққол намоён бўлади.

Боғбон кўнгил қулфини очиб, экkан кўчатларидан боғ кўкартирса, устоз қанчадан-қанча шогирдлар етиштириб чиқаради, уларни меҳр нури билан тарбиялаб, элга қўшади. Албатта, ҳар ким ўзига хос ҳаёт йўлига эга, кимдир боғбонликни, кимдир шифокорликни, яна кимдир ўқитувчиликни ихтиёр этади...

Нима бўлганда ҳам, киши касбига ихлос билан, изчиллик билан, матонат билан ёндашса, камолга етади, одамлар олдида ҳам, ўзи яшаб турган жамият олдида ҳам юзи ёруғ бўлади.

Дарвоқе, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Лекин улар орасида шундай бир улуғ касб борки, бошқа барча касблар унинг негизида шаклланади ва тараққий этади. Бу олижаноб касбнинг номи ўқитувчилик, мураббийликдир».

Ўқитувчиликни, мураббийликни касб этган киши ўзининг жамият олдида масъул эканлигини ҳам ҳис этмоғи зарур. Бу масъулиятнинг нечоғлик муҳимлиги эса барчамизга аён. Доимо, устоз деган шарафли, шу билан бирга, машаққатли юмушга бутун меҳрини берадиган кишигина бу масъулиятни англаб етади, ич-ичидан ҳис этади.

Зеро, боғбоннинг барпо этган боғи уни коинот билан боғловчи жон томирига айланганидек, ўқитувчининг, муаллимнинг не-не машаққатлар эвазига етиштирган шогирдлари уни жамият билан боғловчи мустаҳкам ҳалқа бўлиб қолади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шогирдларини нурли истиқбол сари етаклаётган устозларни ҳаётимиз гавҳарлари сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Раимқул СУЯРОВ.

ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы. Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 28 сентября. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА.

ВОПРОСЫ СЕДЬМОГО ТУРА

1. Каковы возможные причины понижения давления масла в двигателе автомобиля?

а) загрязнение фильтрующего элемента фильтра грубой очистки или трубопроводов, возникновение течи в соединениях, понижение вязкости масла, недостаточная производительность масляного насоса, износ подшипников коленчатого вала;

б) недостаточное количество масла в системе, пробуксовка или обрыв ремня привода вентилятора, неисправности термостата, большое отложение накипи в картере блока цилиндров и в масляном радиаторе;

в) наличие воздуха в системе.

2. Максимальный угол подъема автомобиля:

а) 30 градусов;

б) 45 градусов;

в) 60 градусов.

3. Груз должен быть размещен на транспортном средстве таким образом, чтобы он:

а) не располагался выше уровня бортов;

б) не производил шума, не поднимал пыль и не засорял окружающую среду;

в) не выступал за габариты транспортного средства сзади более, чем на 0,8 м от крайнего заднего размера транспортных средств.

4. Плотность электролита в аккумуляторных батареях проверяется с помощью:

а) мерной линейки;

б) ареометра;

в) нагрузочной вилки.

5. Коробка передач предназначена:

а) для преобразования крутящего момента по величине и направлению;

б) для движения автомобиля задним ходом;

в) для разъединения двигателя с другими агрегатами трансмиссии на длительное время на режиме холостого хода;

г) все ответы правильные.

6. Плотность электролита в аккумуляторных батареях при температуре плюс 15 градусов должна быть не ниже:

а) 1,25;

б) 1,22;

в) 1,16.

7. Какой привод тормозов установлен на автомобиле УАЗ-3151?

а) гидравлический;

б) пневматический;

в) электрический.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ШЕСТОГО ТУРА

1. Во всех случаях дистиллированную воду.

2. Продолжать использование машины на малой скорости.

3. Все ответы правильные.

4. 6 – количество банок, 190 – емкость в ампер-часах, ТР – материал изготовления (термопласт).

5. Ведущие колеса будут пробуксовывать.

6. Все вышеперечисленные сигналы.

7. Всеми вышеперечисленными знаками и оборудованием.

8. Перед закруглением дороги, обозначенным знаком «Опасный поворот».

9. Бинт.

10. Лежа на спине, на жестком щите.

Ҳарбий техника шарҳи

МАХСУС ЗАРБДОР АВТОМОБИЛЛАР

Буюк Британия. Англиянинг «Уэссекс» фирмаси 1990 йилда «Уэссекс–Сайкер» (4х2) русумли махсус зарбдор автомобиль ишлаб чиқди. Машина нисбатан паст бўйлиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Унинг жанговар бўлинмаси кевлардан тайёрланган ҳимояга эга.

Машина қуйидаги қуролларни ўрнатиш учун база бўлиб хизмат қилиши мумкин: 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт, 30 мм.ли ASP–30 автоматик тўпи, танкка қарши «Хеллфайр» русумли бошқарилувчи ракета ва 40 мм.ли гранатомёт. Унда махсус жиҳозлар – алоқа воситалари ва навигация тизими ҳам ўрин олган.

«Кобра» LSV (Light Strike Vehicle, ғилдираклар формуласи 4х2 ёки 4х4, дастлаб «Лонглайн» деб аталган) автомобили разведка машинаси ва қуролярог транспортёри (ташувчиси) сифатида махсус операцияларда қатнашиш учун кўп мақсадли шасси тариқасида ишланган. Ҳозирда ҳам серияли равишда ишлаб чиқарилади.

Машина ўта мустаҳкам пўлат рамага эга. Кучланиш қурилмаси 1,9 л. дизель двигателидан иборат бўлиб, у узатмалар қутиси билан бирга корпуснинг қуйруқ қисмида жойлашган. У иккита суюқлик ва битта мой радиатори ёрдамида совутилади.

Ҳайдовчи корпуснинг чап қисмида, унинг ўнг томонида эса мўлжалга олувчи (наводкачи) штурман жойлашади. Иккита ёқилғи баки экипаж ўриндиқлари орқасига ўрнатилган.

Машина 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт, 40 мм.ли гранатомёт, бошқарилувчи ракета, шунингдек, 60 мм.ли миномёт билан қуроллантирилиши мумкин.

«Кобра» автомобили СН-47Д, «Пума» ёки «Си Кинг» вертолётларида десантлаштирилиши, шунингдек, ҳарбий-транспорт авиациясининг С-130 самолётларида бошқа жойга олиб училиши мумкин.

RDV (Rapid Deployment Vehicle, 4х4) русумли махсус зарбдор автомобиль «Лэнд Ровер Дефендер» машинаси асосида 1993 йилда ишлаб чиқилган. Мазкур машина турли қуролларни ўрнатиш (танкка қарши «Милан» русумли бошқарилувчи ракета, 7,62 ёки 12,7 мм.ли пулемёт, 40 мм.ли гранатомёт, шунингдек 200 мм.ли автоматик тўп) учун база шассиси сифатида разведка операцияларини амалга оширишда хизмат қилади. Машина серияли равишда ишлаб чиқарилмоқда, бунда «Дефендер» сериясидаги бошқа автомобилларнинг узел ва агрегатлари билан ўзаро алмашиниш ҳам кўзда тутилган. Унга махсус асбоб-ускуналар – навигация тизими ва радиостанция ўрнатилган. RDV экипажи минадан ҳимоялаш тизимига ҳам эга.

Исроил. «Инжиниринг эквипмент дивижн» фирмаси разведкачи ва разведкачи-диверсион бўлинмаларни жиҳозлаш учун «Дезерт Рейдер (FAV – Fast Attack Vehicle, 6х6) русумли махсус зарбдор автомобиль ишлаб чиққан.

Ҳайдовчи корпус марказидаги олд ўриндиқда, командир ва мерган-радист эса унинг ўнг ва чап томонида жойлашади. Автомобилнинг қуйруқ қисмида юк бўлинмаси бор. Унда қуролларнинг қуйидаги вариантларидан фойдаланилади: 5,56 ёки 7,62 мм.ли пулемёт ёки танкка қарши бошқарилувчи ракета. Машина СН-53 вертолётларида бошқа жойга олиб училиши мумкин.

Иордания. 2005 йилнинг бошида Иордания армиясининг қуруқликдаги қўшинлари қуроллари таркибига «Ал-Талаб» (4х4) русумли махсус зарбдор автомобиль қабул қилинди. Ушбу машина Англиянинг «Джонкел арморинг» ва Иорданиянинг КАДДВ (King Abdyllah II Design and Development Bureau) ҳамкорлигида «Лэнд Ровер» ва «Тойота Лэнд Круизер 79» машиналарининг узел ва агрегатлари асосида ишлаб чиқилган. Қуроллантиришнинг икки варианти мавжуд: 12,7 мм.ли пулемёт ёки 40 мм.ли гранатомёт. Машина «Пума» вертолёти (1 та) ёки С-130 самолётида (учта) бошқа жойга етказилиши мумкин.

Сингапур. ТК фирмаси ишлаб чиққан «Спайде» (4х4) русумли махсус зарбдор автомобилга қурол тариқасида автоматик тўп, оғир пулемёт ёки 120 мм.ли миномёт ўрнатилиши мумкин. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, жанг майдонида ёки ўнқир-чўнқир жойларда шовқинсиз ҳаракатланиш учун механик трансмиссия билан бир қаторда электрли узатмадан фойдаланиш мумкин. Машина С-130 самолётида (6 дона) ташилиши кўзда тутилган.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

НОВОСТИ НАУКИ И ТЕХНИКИ

РУЧКА-ПОДСКАЗКА

В минуты отпускного затишья многие из нас любят провести часок-другой за разгадыванием кроссвордов. Тут на помощь придет специальная ручка со встроенным словарем от британского интернет-магазина «Widget».

В памяти словаря ручки «Crossword Pen» расположились 250 тысяч слов. Если у кроссвордиста вдруг возникнет сложность с разгадыванием того или иного слова, достаточно будет сообщить ручке количество букв, какие из них известны – и этот гаджет представит на выбор несколько слов, из которых пользователю надо будет выбрать наиболее подходящее по смыслу.

Единственным недостатком этой ручки для отечественного любителя кроссвордов является то, что работать «Crossword Pen» умеет только с английским языком, причем с британским вариантом орфографии.

Тем, для кого англоязычность гаджета не является преградой, стоит приготовить лишние 37 долларов – именно столько стоит «Crossword Pen».

Ярым славянофилам или людям, не знакомым с языком Шекспира и Джорджа Буша, может понравиться другая ручка. Нетрудно догадаться, что в нее тоже что-нибудь встроено – на этот раз цифровой плеер.

Плеер-ручку представила компания «Brando», специализирующаяся на создании бесполезных, но забавных USB-устройств. Музыкальная пишущая принадлежность способна вместить до 512 мегабайт песен, оснащена диктофоном и FM-тюнером.

НЕ ЗАБУДЬТЕ ВЫКЛЮЧИТЬ ТЕЛЕВИЗОР

Власти Великобритании планируют вынудить разработчиков телевизоров, DVD-плееров и другой бытовой аппаратуры отказаться от режима ожидания, при котором устройства не функционируют, однако потребляют электроэнергию. Чиновники решили прибегнуть к таким мерам с целью экономии потребляемого британцами электричества.

Из-за этой инициативы изменения коснутся конструкций телевизоров, стиральных машин и даже компьютеров – именно эти устройства, по мнению властей, являются наиболее «энергоразорительными» для страны. По данным доклада «Energy Review», на долю устройств, работающих в режиме ожидания, приходится около 8 процентов от всей потребляемой на территории Великобритании электроэнергии.

Запрет на режим ожидания станет одним из этапов рассчитанной на 20 лет программы по сокращению энергозатрат на территории Великобритании. Правительство Великобритании надеется, что принятые ими меры способствуют общему сокращению энергопотребления на 31 процент.

Табиат инъомлари

«МУҲАББАТ ОЛМАСИ»

Ҳозирда таомларга лаззат бахш этувчи масаллиқлардан бири бўлган помидорни бир пайтлар ҳеч ким емас эди. Ўша вақтда помидорнинг таркиби бутунлай ўрганилмаган бўлиб, одамлар уни заҳарли мева, деб тахмин қилишар эди. Европа мамлакатларида бу ўсимликни тувакларга ўтқазиб, хона гуллари билан бир қаторда парвариш қилганлар. Заҳарлилигига келсак, рост, помидор кўклигида, ҳали қизил тусга кирмаган вақтида унда тирозин деган модда бўлади, у ўта заҳарлидир. Кўк помидор хамаги тузланмай ейилса, бу заҳар одамга таъсир қилади.

Кўпгина манбаларда айтилишича, помидор Жанубий Америкада – Перуда тарқалган. Испания Перуни босиб олгач, помидор Европага келтирилган. XVI асрда бу ўсимлик Европанинг Ўрта денгиз ҳавзаларидаги мамлакатларда ўстирила бошлаган. Бу вақтда помидор Европанинг шимолий томонларига тарқалмаган эди. Италияда помидорни «помо-доро», яъни «олтин олма» деб атаганлар. Помидор 1754 йилда манзарали ўсимлик сифатида биринчи марта селекцияга киритилган.

Кейинчалик у Греция орқали Туркияга ва бу ердан 1850 йил Қримга келтирилган. Қримда уни «муҳаббат олмаси», деб атаганлар. Шундан кейин кўп ўтмай у Россиянинг жанубий туманларида экила бошлаган ва озуқа сифатида дастлаб шу ерда қўлланилган. Кейинчалик помидор ўсимлиги Россиянинг марказий ва шимолий ҳудудларига ҳам кенг тарқалган. Шу тариқа помидор Ўзбекистонга малина, қулупнай, смородина, қанд лавлаги, редиска каби маҳсулотлар билан кириб келган. Бироқ ўша вақтда помидорни маҳаллий халқ емас эди. Аммо кейинроқ унинг ажойиб озуқа эканлиги маълум бўлгач, помидор асосий истеъмол маҳсулотларидан бирига айланди, унинг турли навлари пайдо бўлди. Дастлаб помидорни «падиджон», яъни «жон ато қилувчи мева», деб атар эдилар. Ҳозиргача ҳам помидорни кексаларимиз патинжон, деб атайдилар.

«ИККИНЧИ НОН»НИНГ ТАРИХИ

Картошканинг эл орасида иккинчи нон деган номи ҳам бор. Албатта, бу неъмат таркибидаги озуқа моддалари ўзининг тўқтутарлиги билан нондан қолишмайди. Унда 18 фоиз крахмал, 2 фоиз оқсил, 1 фоиз шакар моддаси ва бир қанча витаминлар мавжуд.

Келинг, яхшиси, унинг келиб чиқиш тарихи билан танишиб кўрамиз. Иккинчи нонинг асл ватани Чили ва Перу бўлиб, у тоғ ёнбағирларида ўстирилган. Унинг номи маҳаллий тил билан айтганда «Паппа» дейилган. Картошка кўп ҳолларда бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ёввойи ўсимлик сифатида ўтиб юрган. Жанубий Американи қамал қилган испанияликлар картошкани дастлаб 1536 йилда Европага олиб келадилар. Картошка Италияга етиб келганда унинг номини «тартуфоли» деб аташган. Бу ноёб ўсимлик Францияга етганида эса «пом де терр», яъни ер олмаси деган ном олган. Картошканинг қимматли озуқа эканини дастлаб доришунос олим Парманте пайқаган. У картошка ҳақида кўплаб китоблар ёзди. Ундан кўплаб таомлар тайёрлаш мумкинлигини исботлади.

Парманте бир куни гуллаган картошка кўчатини кўтариб қиролнинг ҳузурига боради. Мақсади эса қиролга картошканинг афзалликларини тушунтириб, уни қишлоқ хўжалик экинлари қаторига қўшиш эди. Аммо қирол унинг сўзларига қулоқ солмайди. Картошка кўчатидан бир дона гулни узиб олади-да, жуда гўзал экан, деб чаккасига тақиб олади. Шу ҳодиса сабаб бўлиб картошка Францияда озуқа маҳсулоти сифатида эмас, декоратив гул сифатида тувакларда, гулхоналарда ўстирила бошланади. Саройдаги аъёнлар соат чўнтакларига доим картошка гулини тақиб юришни одат қиладилар.

Олим бу ҳолатдан тушкунликка тушмади. Аксинча, дуч келган экин майдонларига картошкани экиб кетаверди. Бир куни унинг экинини яксон қилиш мақсадида деҳқонлар картошка кўчатларини юлиб, ўтга ташладилар. Туни билан пояси куйиб, илдиз тугунчалари қўрда пишиб қолган картошкани эрталаб бир чўпон татиб кўради-да, «қайҳай, ер олмасини емабсиз, дунёга келмабсиз», деб жар солади. Шу воқеадан сўнг картошка мамлакатнинг барча ҳудудларида экила бошлади. Россияга дастлаб бир қоп картошкани Голландиядан туриб император Пётр I жўнатган эди. Эндиликда картошка экилмаган мамлакатнинг ўзи йўқ.

ЭТО ИНТЕРЕСНО

УМНАЯ УПАКОВКА

Американские фармацевтические компании начали выпускать баночки со встроенной в них... компьютерной памятью. Такая суперсовременная упаковка в состоянии запоминать время и дату, когда ее открывали, чтобы взять таблетку. Кроме того, баночку можно время от времени подсоединять к компьютеру и получить распечатку всех сроков приема лекарства. Фармацевты намерены в ближайшее время снабдить коробочки звуковым сигналом. Он будет напоминать о необходимости принять снадобье.

ЯДОВИТЫЕ ОБОИ

В немецком городе Кассель находится единственный в мире Музей обоев. Рядом с простенькими образцами выставлены настоящие произведения искусства. Отдельно демонстрируются новые технологии: стеклообои, обои с пленочным покрытием или на пластиковой основе (рельефные). В отдельном зале собрана «одежда» для стен, с которой связаны различные легенды. Например, обои, которые явились причиной смерти Наполеона Бонапарта. По этой версии, этим покрытием зеленого цвета, содержащим медь и мышьяк, были обиты стены опочивальни экс-императора на острове Святой Елены. Испаряющиеся в условиях тропического климата ядовитые составляющие краски якобы медленно, но верно вели к смерти Бонапарта...

САМЫЕ СИЛЬНЫЕ СУЩЕСТВА

Хотите верьте, хотите нет, но это – насекомые. Конечно, относительно своего веса. Древесный жук, например, может нести на своей спине груз, который в 850 раз тяжелее его собственной массы! Если бы это, к примеру, смог сделать слон, то он поднял бы эскадренный миноносец. Кстати, слон поднимает груз, который составляет 30 – 50 процентов его собственной массы, лошадь – 50 – 80 процентов и приблизительно столько же – человек.

А если говорить об абсолютной силе, то, конечно, сильнее всех голубой кит. Только его хвост работает с мощностью 500 лошадиных сил. При этом обеспечивает скорость движения самого животного, равную 27 километрам в час!

СКАНВОРД



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ТЕСТ

КАК ВЫ ОТНОСИТЕСЬ К КАРЬЕРЕ?

А не пора ли вам сделать шаг по служебной лестнице? Чтобы выяснить, в какую сторону он будет, ответьте на вопросы теста. Выберите из предложенных вариантов ответов тот, который наиболее вам соответствует. За каждый ответ «а» начислите себе 3 балла, за «б» – 2, за «в» – 1.

1. Завтра вы уезжаете в отпуск. Надо купить массу вещей и собраться. Но только вы собрались уйти с работы, как вам поручили срочные дела. Как вы поступите?

а) садитесь и работаете, пока все не сделаете;

б) откладываете отъезд;

в) отказываетесь от задания.

2. На освободившуюся вакансию претендуете вы и двое ваших коллег. Как вы себя поведете?

а) сделаете все, чтобы доказать, что вы лучший из лучших;

б) будете продолжать работать в ожидании решения;

в) останетесь равнодушны.

3. Ваш(а) муж (жена) любит классическую музыку, вы – легкую. Как примирить ваши вкусы?

а) постараетесь перевоспитать мужа (жену);

б) попробуете сами полюбить классическую (легкую) музыку;

в) оставите мужа (жену) в покое вместе с его (ее) вкусом.

4. Вы стали свидетелем уличного происшествия. Милиция разыскивает свидетелей. Намерены ли вы заявить о том, что видели?

а) да;

б) нет, так как не помните точно, что произошло;

в) нет, так как не любите ввязываться в подобные истории.

5. Если вы с кем-то столкнулись на улице – ваша реакция?

а) «Бывает», – скажете вы сами себе и пойдете дальше;

б) ледяным тоном извинитесь;

в) обругаете встречного.

Просуммируйте набранные баллы.

5 баллов. Вы наверняка и не помышляете о карьере. Вы застенчивы, стараетесь не обращать на себя внимания. Если вы не станете активнее, то навсегда останетесь «старшим помощником младшего специалиста».

6 – 10 баллов. Вы относитесь к работе, как к тяжелой ноше, несмотря на то, что она вам приносит удовлетворение. Вам чужды качества карьериста. Личное для вас намного важнее продвижения по служебной лестнице. Так что не жалуйтесь.

11 – 15 баллов. Вы – оптимист, прекрасно знаете, чего хотите и как этого достигнуть. Скорее всего, вы добьетесь своего.

ЗАЛОГ НАШЕЙ ПРОЧНОСТИ, СИЛЫ И НЕПОБЕДИМОСТИ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Во-первых, на том, что сегодня военнослужащие Вооруженных Сил – это люди, воспитанные на идеалах и ценностях независимости. У них новое мышление, новое отношение к жизни, труду, военной службе и, естественно, к защите Отечества. Это мужественные и преданные своей стране патриоты, уверенные в том, что эта земля, этот дом, эта прекрасная Родина принадлежат им и защищать это бесценное достояние – наш общий долг и святая обязанность.

Но не сразу и не вдруг пришло к нашим людям такое понимание. Этому способствовали все предшествующие годы независимости и ее последовательные шаги по пути обновления и прогресса. В становлении и развитии нашего независимого государства отчетливо прослеживается такая черта, как **надежность и предсказуемость**. Все, что ни делалось в стране с первых ее самостоятельных шагов, делалось основательно и прочно, было глубоко продумано и проработано, создавалось с расчетом на перспективу, с заботой о благе народа и грядущих поколений.

Такая политика и практика строительства нового общества укрепляли веру народа в реальность наших планов и программ, нашу уверенность в том, что мы способны построить государство с великим будущим. Способны построить и надежно защитить.

Мир и согласие в стране стали краеугольным камнем в фундаменте независимости, важнейшим приоритетом нашей внутренней политики. Такая политика не только создавала нормальную атмосферу в стране, но и способствовала формированию нравственно здорового микроклимата в воинских коллективах, укрепляла узы дружбы и войскового товарищества, организованность, дисциплину и правовой порядок в национальной армии, пробуждала и укрепляла чувства патриотизма и любви к независимой Родине. Такая политика укрепляла единство армии и народа, придавала нашей армии необоримую силу.

Во-вторых, наша уверенность базируется на том, что сегодня наши Вооруженные Силы – это в основе своей профессиональные Вооруженные Силы. За годы военной реформы наша армия коренным образом преобразилась. Она стала мобильной, хорошо вооруженной и качественно подготовленной. А если характеризовать ее всесторонне, то надо подчеркнуть, что Вооруженные Силы сегодня – это подлинная школа возмужания, воспитания, патриотизма. Здесь формируются твердые волевые характеры воинов, приобретаются высокие человеческие, морально-боевые и психологические качества, раскрываются интеллектуальные способности, оттачиваются практические профессиональные навыки, происходит физическая закалка. В основе этого глубокого по своим конечным целям преобразования Вооруженных Сил – высокий профессионализм. **Профессионализм – это глубина имеющихся у военнослужащего знаний и способность его строго логически мыслить и действовать. Это – духовное богатство личности военнослужащего и благородство его нравственных чувств. Это – сочетание глубины ума, морального и физического совершенства, отточенность знаний и навыков и умение применять их в самых сложных условиях боевой действительности.**

Известно, что на подвиг воина ведут чувство долга, патриотизм и высокая сила духа. Но подвиг не может быть совершен без профессионализма, без умелого владения оружием и боевой техникой, приемами и способами ведения боевых действий в различных условиях боевой обстановки, без физической закалки. То есть, без того, что и составляет боевое мастерство воина. Поэтому Президент страны, руководство республики проявляют постоянную заботу о том, чтобы наш военнослужащий был подготовлен всесторонне, развит гармонично – в профессиональном, интеллектуальном, в морально-волевом и физическом отношении.

Потому приняты действенные меры по повышению интеллектуального уровня процессов боевой, командирской и оперативной подготовки с широким использованием компьютерных и информационных технологий, методов моделирования и симуляции, достижений современной науки и техники, которые уже дали свои положительные результаты.

В-третьих, наша уверенность базируется на том, что Вооруженные Силы страны сегодня способны противостоять любому агрессору. Мы ни на минуту не должны забывать, что современная обстановка в мире и регионе остается сложной, противоречивой и нередко непредсказуемой. В этих условиях как никогда исключительное значение и актуальность приобретает наказ главы нашего государства – **быть бдительными и внимательными** в отношении любых поползновений и провокаций, любых агрессивных действий международных террористов и религиозных экстремистов. Мы должны быть бдительными и внимательными и в отношении тех людей, которые, цинично прикрываясь лозунгами демократии, фактически становятся пособниками террористов и экстремистов. Известно, что **боевая готовность определяется способностью части, подразделения к немедленному выполнению поставленных боевых задач.** Поэтому от каждого военнослужащего требуется быть всегда готовым вести успешные боевые действия в любой, самой сложной обстановке, с любым противником и на любой местности, уметь действовать в различных условиях боя.

ВОИНЫ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ – ДОСТОЙНЫЕ СЫНЫ СВОЕГО НАРОДА. ОНИ НАДЕЖНО ОБЕРЕГАЮТ РУБЕЖИ НАШЕЙ РОДИНЫ, МИР И СТАБИЛЬНОСТЬ В СТРАНЕ И РЕГИОНЕ

Необходимо быть лично ответственным за боевую готовность подразделения и свою личную. Относиться к ней, как к задаче, которая требует постоянного наращивания твоих личных усилий и усилий всего личного состава. Боевая готовность должна изо дня в день повышаться, совершенствоваться на основе растущего мастерства каждого военнослужащего, ранее приобретенного опыта и новейших достижений военной науки и практики.

Нужно всегда помнить, что основу боевой готовности составляют отличная физическая подготовка, знание оружия и боевой техники и умение использовать их с максимальной отдачей, в совершенстве владеть смежными специальностями, уверенно и надежно выполнять обязанности при взаимозаменяемости в расчете, экипаже, отделении.

Каждый военнослужащий должен иметь высокую морально-психологическую подготовку и быть готовым к борьбе с коварным, наглым, хорошо обученным и технически оснащенным противником. Постоянно формировать у себя высокие морально-боевые и психологические качества: стойкость и отвагу, мужество и готовность к взаимовыручке, самоотверженность и самообладание в бою, верность воинскому долгу, Военной присяге, своей независимой Родине, народу и Президенту.

Быть бдительным, образцово нести боевое дежурство, караульную и внутреннюю службы, быть дисциплинированным, во всем и всегда неуклонно следовать требованиям воинских уставов, приказам командиров и начальников – качества, необходимые защитнику Родины.

Воины Вооруженных Сил – достойные сыны своего народа. Они надежно оберегают рубежи нашей Родины, мир и стабильность в стране и регионе. В преддверии Дня Конституции и 15-летия со дня образования Вооруженных Сил они твердо держат шаг и все делают для того, чтобы наша великая и независимая Родина могла успешно решать задачи по строительству правового, демократического государства, гражданского общества.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида

ИЛҒОР БЎЛИНМА

Профессионал асосга ўтиш йўлида шаклланаётган миллий армиямизда бугун сержантлар фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Қуролли Кучларимиз сафларига малакали кичик командирларни етказиб бераётган сержантлар тайёрлаш мактаблари ўғлонларимизнинг севимли ўқув масканларига айланиб бормоқда. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам такомиллашган, кенгайтирилган, янгича усулда таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.



– Мактабимизда курсантлар 9 ой давомида ўқиб, ҳарб илмидан чуқур сабоқ олишади, – дейди суҳбатдошимиз офицер Олимжон Юлдошев. – Ҳарбий билимлар билан бирга курсантларимиз юртимизда кечаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, янгиланишлардан ҳам хабардор бўлишади. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда кўпгина тадбирлар, учрашувлар ўтказиб турибмиз. Булар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Яқинда СТМи доирасида «Энг илғор бўлинма» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 5-ўқув взводининг 3-гуруҳ курсантлари ғолибликни қўлга киритишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, СТМида курсантлар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Керакли ўқув қуроллари, кўргазмали воситалар, зарур техник жиҳозлар ҳамда дарсликлар, кенг, шинам синфхоналар улар ихтиёрида.

Биз биринчи бўлиб, «Энг илғор бўлинма» номига сазовор бўлган гуруҳ шахсий таркибининг машғулотлар ўтиш жараёни билан таниШдик.

– Бу мусобақада зафар қозониш осон кечмади, – дейди взвод командири офицер Бахтиёр Аҳмедов. – Чунки барча гуруҳ посбонлари бор билим ва маҳоратларини, интеллектуал салоҳиятларини, жисмоний тайёргарликларини ишга солиб, ғолибдик сари интилдилар. Ҳамма босқичлардан юқори кўрсаткичда ўтган гуруҳимизга илғорлик насиб этди.

Биз гуруҳ курсантларини дарс жадвали бўйича олиб бораётган машғулотлари вақтида учратдик. Взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Хуршид Каримов ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасида «Мустақилликнинг 15 йиллигини юқори жанговар шайлик ва мустаҳкам ҳарбий интизом билан кутиб олайлик» мавзуида дарс ўтаётган экан. Илғор гуруҳ командири курсант Алишер Манаев гуруҳ аъзолари билан таништирар экан, қувонч ила ушбу фикрларини билдирди:

– Бизнинг гуруҳимиз мактабимизда «Энг илғор гуруҳ» номига сазовор бўлди. Бу албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Машғулотлар давомида устоз офицерлардан олган пухта сабоқларимиз, айниқса, йигитларнинг жиддий саъй-ҳаракатлари туфайли эришдик, ғалабага.

– Яқинда мактаб билан хайрлашиб, ўз хизмат жойларимизга қайтамиз, – дейди илғор гуруҳ курсанти Аброр Турсунқулов. – Бу ерда ҳарб илмидан олган билимларимизни, орттирган бой тажрибамизни, тартиб-интизомни хизматимиз жараёнида қўллаб, билдирилган юксак ишончни оқлаймиз.

Мусобақада гуруҳлар ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тактик, автомобиль, саф, жисмоний тайёргарлик каби машғулотлар бўйича беллашдилар. Ўзларининг бор билим ва маҳоратларини намоён қилдилар. Ундан ташқари, гуруҳнинг ташкилий ишлардаги иштироки ҳам инобатга олинди.

Энг илғор взвод таркибидаги гуруҳларнинг машғулотлар жараёни билан ҳам танишдик. Ҳарбий топография хонасида офицер Элбек Мадалимов «Жойда картадан мўлжал олиш ва ўз турган нуқтаси координатасини аниқлаш. Топографик шартли белгиларни ўқиш» мавзусида дарс ўтаётган экан.

– Мен Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий қисмда шартнома асосида хизмат қиламан, – дейди курсант Равшан Бозоров. – Мактабда билимимни чуқурлаштириб, ҳарбий маҳоратимни оширмоқдаман. Ҳарбий топография фани менга хизматим давомида жуда асқотади.

Машғулотлардан кўнглимиз тўлгач, мактабнинг тиббиёт пункти билан танишдик. Тиббиёт пунктидаги тозалик, саранжом-сариштalик бизни жуда қувонтирди. Муолажа хоналари, беморлар палатаси барча керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

– Тиббиёт бўлимида малакали шифокор ва ҳамширалар хизмат қилишади, – дейди тиббий хизмат офицери Шерали Аҳмедов. – Булар шифокор Камола Ашурова, ҳамширалар – Меҳри Соатова, Рисолат Қўчқорова, фельдшер Дилмурод Ҳайдаров, дорихона бошлиғи шартнома асосидаги хизмат кичик сержанти Ҳамза Абдурасуловлардир. Уларнинг барчаси ўз касбини севган, қўли енгил, ширинсўз тиббиёт ходимлари.

Ҳа, ҳарбий хизматчининг саломатлиги жанговар шайликда муҳим ўрин тутади. Буни яхши англаган соғлик посбонлари ўз вазифаларига катта масъулият билан ёндашмоқдалар.

Бизнинг эътиборимизни тортган ишлардан бири мактаб ҳудудида ишга туширилган иссиқхоналар бўлди.

– Иссиқхоналарда помидор, бодринг каби полиз экинлари экканмиз, – дейди озиқ-овқат таъминоти бошлиғи офицер Мавлон Рустамов. – Ундан ташқари, ҳарбий хўжалигимизга қарашли ерда ҳар хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, қовун, тарвуз, карам, ошқовоқ, маккажўхори етиштириб, посбонлар дастурхонининг тўкин бўлишини таъминлаяпмиз.

Қисқаси, СТМида сабоқ олиб, ҳарбий маҳоратларини ошираётган мард ва жасур ўғлонларимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Аҳрор Шукуруллаев.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Тестовые испытания

СТИМУЛ ГОВОРИТ О МНОГОМ

Военная служба в ходе проводимого в Вооруженных Силах реформирования стала не только школой физической и моральной закалки. Здесь формируются твердые жизненные принципы, высокие патриотические качества молодых людей.

Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы льгот военнослужащим, проходящим срочную военную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан» является подтверждением того, что данному вопросу придано особое значение на самом высоком уровне.

Так, для граждан, отслуживших срочную военную службу в рядах Вооруженных Сил Республики Узбекистан, при их поступлении в высшие образовательные учреждения страны предоставляются льготные условия при тестовых испытаниях в виде дополнительных баллов в размере 25 процентов от их максимально возможного количества. Но путь к заветным Рекомендациям лежит через безупречную воинскую службу, высокую дисциплину, общественную активность солдат. А еще необходимо сдать тесты для проверки уровня общественно-политического развития, знаний в различных областях.

Потому недавно во всех гарнизонах были проведены тестовые испытания для тех военнослужащих срочной службы, кто мечтает получить высшее образование и является кандидатом на получение Рекомендации. В Ташкентском высшем общевойсковом командном училище также состоялись тестовые испытания для определения итоговых оценок качества освоения военнослужащими срочной военной службы Ташкентского военного округа программ боевой и общественно-политической подготовки.

После тестирования мы попросили высказаться по этому поводу самих претендентов.

Рядовой Фахриддин УМАРОВ:

– Во-первых, хочу сказать, что тестирование прошло на высоком организационном уровне. Нам были разъяснены правила выполнения тестовых заданий и порядок заполнения листов с ответами. Сами тесты состояли из двух блоков: боевая подготовка и общественно-политическая подготовка. Тестирование позади, остается лишь ждать подведения итогов. А о своих планах я пока не скажу.

– То, что для нас созданы такие условия, – говорит рядовой Вадим ДЁ, – не может не радовать. Мне скоро увольняться в резерв из рядов Вооруженных Сил. Я намерен в следующем году поступать учиться на Специальный факультет Министерства обороны при Ташкентском университете информационных технологий. Сегодняшние тесты определят уровень нашей подготовленности. А возможность получить Рекомендации, претендовать на то, чтобы обладать ею, была хорошим стимулом за время прохождения службы. Я и мои товарищи старались быть всегда дисциплинированными, старательными. Я могу привести немало примеров тому, как Рекомендации сыграли положительную роль в судьбе моих друзей. Только в моей махалле есть уже двое ребят, вернувшихся в прошлом году со срочной военной службы с Рекомендациями, они стали студентами столичных вузов. Надеюсь, что и я достигну своей цели.

От души пожелав участникам тестов достичь поставленной цели, хотели бы напомнить о том, что даже те, кто не сможет получить Рекомендацию, не останутся за чертой положенных льгот. Ведь для них при высших учебных заведениях будут открыты бесплатные подготовительные курсы, а также Общественное движение молодежи Узбекистана «Камолот» возьмется внести 35 процентов от суммы контракта тех солдат резерва, которые будут активно участвовать в работе его студенческих первичных организаций.

Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ.
Фото Тимура КАРИМОВА.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

ДИННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ИЛК ШАКЛЛАРИ

Дин тарихини уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи давр – ибтидоий жамоа тузуми шароитида диннинг келиб чиқиши ва шаклланиши. Бу даврда асосан кишининг табиат кучлари томонидан эзилганлиги натижасида унинг онгида сохта тасаввурлар пайдо бўлади.

Иккинчи давр – ижтимоий табақаланиш ва давлат тузуми шароитида дин тўлиқ тараққий қилган бўлиб, эндиликда инсон фақат табиат кучлари олдида эзилибгина қолмай, тенгсизлик, ижтимоий зулм таъсирида унинг онгида қўшимча иллюзиялар пайдо бўлади.

Учинчи давр – илмий-техника тараққиёти таъсирида диндан қайтиш (секуляризация) жараёни кучайиб, диннинг оммавий таъсири бир оз сусаяди ва илм-маърифат устун тура бошлайди.

Биринчи даврни ўрганишда антропология, археология, этнография, тилшунослик ва фольклор кўлга киритган ажойиб кашфиётлар асосий манба ҳисобланади. Палентропология ва археология фанларининг маълумотларига қараганда инсоният тарихида ниҳоятда узоқ давр давомида энг қадимги ибтидоий аждодларимиз – австралопитек, зинжантроп, питекантроп, синантроплар ҳеч қандай диний тасаввурларни билмаганлар.

Диний тасаввурлар киши онгида бировнинг буйруғи билан бирданига пайдо бўлиб қолмайди. Бу мураккаб жараён ниҳоятда узоқ даврлар давомида муайян тарихий шароитда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам неандертал маданиятига оид гуруҳларнинг баъзи бирлари динни мутлақо билмаганлар, баъзиларида диний тасаввурлар энди куртак ота бошлаган.

Илк палеолит даврининг охирларига келиб, тахминан 70 минг йиллар муқаддам, неандертал маконларида ҳаёт сўна бошлайди. Бу даврдан бошлаб ҳозирги замон кишилари типидаги одамларнинг шаклланиши, яъни ирқлар пайдо бўла бошлайди. Тахминан 40-20 минг йиллар муқаддам ибтидоий жамиятнинг мустаҳкам шакли – уруғчилик тузуми пайдо бўлиб, мана шу даврда дастлабки диний эътиқод ҳам шакллана бошланган.

Кейинги босқич – неолит (янги тош асри) даврида инсоният тарихида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Европа ва Яқин Шарқнинг кўп қисмида деҳқончилик ва чорвачилик пайдо бўлади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий онг шакллари, шу жумладан, диний тасаввурларда ҳам ўз аксини топади. Дафн қилиш маросимлари дин билан боғлиқ эканлиги шубҳасиз.

Неолит даврига оид қазилмалар, қабрларда ҳар хил маиший буюмлар, қуроласлаҳа, овқат солинган идишлар ва рангбаранг безаклар учрайди. Буларнинг ҳаммаси кишиларда нариги дунё, охират тўғрисидаги тасаввурлар анча шаклланганлигини кўрсатади. Аммо диннинг илк тарихи ва шакллари тўғрисидаги ниҳоятда бой ва хилма-хил фактик материаллар қолоқ халқ ва элатларни этнографик жиҳатдан ўрганиш натижасида қўлга киритилган.

Булар – Тотемизм, Фетишизм, Магия, Анимизм ва бошқалар. Атоқли диншунос олим С.А.Токарев таснифига кўра, ибтидоий диннинг энг қадимги шаклларидан бири тотемизм бўлиб, у юқори палеолит, яъни илк уруғчилик жамияти даврида пайдо бўлган. «Тотем» ёки «ототем» аслида Шимолий Америкада яшовчи туб аҳолининг алгонкин қабила тилидан олинган сўз бўлиб, «унинг уруғи» деган маънони англатади.

Тотемизм тушунчаси айрим шахснинг ёки бир гуруҳ кишиларнинг, уруғ ёки қабиланинг кўпинча қандайдир бир ҳайвон ёки ўсимлик билан, баъзан жонсиз моддий буюм ёки табиат ҳодисалари билан ғайритабиий яқинлиги, ҳатто қон-қариндошлик алоқаси бор, деган эътиқодни англатади.

Фетишизм. Африка ва қисман Австралия халқларининг кўпчилигида, Ғарбий Африканинг негр қабилаларида ҳар хил жонсиз буюмларга сиғиниш кенг тарқалган. Бундай диний тасаввурлар фанда фетишизм (португал тилида – «фейтишо» – тумор, сеҳрланган буюм, деган маънони англатади) деб аталиб, энг қадимги ибтидоий дин шаклларидан бири ҳисобланади.

Фетишизм ниҳоятда хилма-хил шаклда намоён бўлади ва дин тараққиётининг барча поғоналарида ибодатнинг муҳим қисми сифатида дастлабки оддий динлардан то ҳозирги мураккаб дунё динларигача ҳаммасида учрайди. Аммо қайси даврда ва қандай шаклда намоён бўлмасин, фетишизмнинг моҳияти бир: даҳшатли табиат кучлари олдида ожизлик қилган одам хурофий қўрқинч туйғулари асосида қандайдир ғайритабиий кучдан мадад кутади, унинг ҳимоясига умид боғлайди.

Магия. Тотемистик тасаввурлар ва фетишизм билан боғлиқ, ниҳоятда кенг тарқалган ибтидоий динларнинг яна бир тури магия (сеҳргарлик) уруғчилик тузуми даврида муҳим роль ўйнаган. Сеҳргарлик ибтидоий одамларнинг машаққатли оғир ҳаётини нотўғри, сохта йўл билан бўлса-да енгиллаштиришга ёки ёвузликнинг олдини олишга қаратилган тасаввурлардир. Магия ёлғон ва кўзга кўринмайдиган сеҳрли алоқа ва таъсирларнинг табиатда мавжудлигига ишонтириш, айрим ҳолларда одам билан табиат орасидаги муносабатларга ҳам ўзаро таъсир ўтказиш, бир одамнинг иккинчи бир шахсга таъсир қила билиш қобилиятига эга эканлигини уқтиришдан иборат диний эътиқоддир.

Анимизм. Ибтидоий диннинг табиатга сиғиниш ва итоатгўйлик шаклидаги тараққиёти илк дин шаклларидан бири ҳисобланган анимизмнинг ривожланиши асосида рўй берган. Анимизм лотинча «анима» сўзидан олинган бўлиб «жон», «руҳ» деган маънони англатади. Анимизм ўз моҳияти жиҳатидан анча чекланган ва бу энг илк дин шакли ҳисобланмайди, чунки тараққиётининг дастлабки босқичида жон ҳақида одам алоҳида тасаввурга эга бўлмаган.

Анимистик дин тотемизм, магия ва табиатга сиғиниш каби эътиқодларни ўзида мужассамлаштириб, барча буюмларни, табиат кучи ва ҳодисаларни жонлантиради. Шу билан бирга, ғайритабиий куч ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни ҳам ривожлантиради. Одам бу руҳларни ўзига яқинлаштириш учун уларга шакл берган, бут, фетиш, санамлар яратган ва уларга сажда қилган.

Муқаддас жойлар. Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида, шу жумладан, Ўрта Осиёда кенг тарқалган анимистик тасаввурлар билан узвий боғланган авлиё-анбиё, «муқаддас» жойлар, табиат ва аждодларга сиғинишлар ибтидоий диннинг мураккаб шакли бўлиб, улар кейинчалик жаҳон динларининг таркибий қисмига айланган. Бизнинг ўлкамизда учрайдиган, одатда, «мозор» ёки «авлиё» номи билан донғи чиққан муқаддас жойлар турли замонларга тааллуқли бўлиб, ҳар хил диний тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган синкретик (аралаш, қурама) характердаги диний эътиқодлар билан боғлиқдир.

Политеизм. Қабилалар иттифоқининг пайдо бўлиши ғойиб худо бошчилигида кўп худолик (политеизм)ни вужудга келтиради. Бу даврда табиат кучлари билан бир қаторда ижтимоий кучлар ҳам майдонга чиқади, одамга қарши турувчи бу кучлар ҳам унга ёт, тушунарсиз бўлади ва табиат кучлари сингари инсон устидан ҳукмронлик қилади.

Илк билимлар. Ибтидоий одамга хос бўлган ўткир кузатувчилик ва унинг табиат билан яқиндан чуқур танишиши инсонни туганмас табиат китобининг баъзи сирли варақларини ўқий билиш даражасига кўтарган.

Ибтидоий жамиятда дастлабки билимлар ўрнига янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида янги жамият вужудга кела бошлади. Оқибатда ибтидоий жамоа тузум ўрнида мустабидликка асосланган қулдорлик тузуми ва давлати пайдо бўлади. Руҳлар худоларга айланади, олий ва паст худолар иерархияси саф тортади, дунёвий ҳоким эса шу олий худонинг ердаги авлоди, вакили ёки ноиби сифатида ҳукмронлик қила бошлайди.

Миллий давлат динлари. Пайдо бўлган политеизм (кўп худолик) диний тараққиётнинг муҳим босқичи бўлиб, худолар теварак-атрофдаги чексиз борлиқнинг ҳамма томонини эгаллаб, ўз назоратини ўрнатади. Мазкур политеистик тасаввурлар жараёни, яъни диний ифодалашга яккаликдан умумийликка ўтиш ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ижтимоий муҳит негизида рўй бериши мумкин эди.

Асли политеизм қулдорлик жамияти негизида ва шу жамият манфаатига хизмат қилувчи ақидавий қарашлар сифатида пайдо бўлган ижтимоий онг шакли эди. Бу қулдорлик давлатларида Юнонистон ва Римда очиқ намоён бўлган.

Қулдорлик жамиятининг диний эътиқоди икки катта гуруҳга бўлинган: бир томонда – расмий ибодат, иккинчи томонда – кўп ирқ ва қавмли қуллар орасида тарқалган хилма-хил диний тасаввурлар. Қадимги политеистик динларнинг яна бир хусусияти – уларнинг муайян этник гуруҳларга хоҳлигидир, ҳар қандай халқ ўз динига эга бўлиб, олдинги дин шакллари билан яқин турган.

Қадимги Шарқ халқлари, айниқса, Миср ва Месопотамия қулай табиий-жуғрофий шароит туфайли бошқа халқларга нисбатан олдинроқ синфий тараққиёт ва юксак маданият яратиш йўлига ўтган эди. Инсон онги ва қалбини тўлиқ эгаллаб олган дин қадимги Шарқда бошқа мустақил ижтимоий онг шаклларининг пайдо бўлишига йўл қўймаган. Шарқ мамлакатларида қадимги даврларда фалсафа мифология, диний таълимотлар билан чатишиб кетган. Қадимги Миср ва Бобилда фалсафий тафаккур умуман диний қобиқдан чиқолмаган, мустақил ижтимоий онг шаклида намоён бўлмаган. Фақат қадимги Юнонистон, қисман Ҳиндистон ва Хитойда фалсафа махсус ижтимоий онг шакли сифатида мустақил пайдо бўлган эди.

Қадимги Миср. Ижтимоий тузумнинг ва умуман бутун маданиятнинг ниҳоят даражада секин ривожланганлиги туфайли Миср тарихининг ҳамма даврларида тотемизм, фетишизм, ҳайвонларга ва табиатга сиғиниш каби ибтидоий диний эътиқодлар кенг тарқалган ва давлат миқёсида муқаддаслаштирилган.

Қадимги мисрликларнинг илгари мустақил жамоага эга бўлган ҳар бир шаҳри ўзининг худолар тизимига эга бўлиб, бу тизимга уч худолик(учлик) бош бўлган: Ота-худо, Она-худо, Бола-худо. Масалан, Мефисда Цта-Сўхмет-Нефертум учлиги, Фива шаҳрида Омўн-Мут-Хўнсу учлиги олий худо ҳисобланган ва барча худолар ҳайвон шаклида тасвирланган.

Масалан, худо Гўр лочин шаклида, маъбуда Сўхмет – урғочи шер, худо Хнум – қўчқор, Мемфисдаги Хани ёки Опис – ҳўкиз, Отўн – бузоқ, Омўн ёки Ўсирис – қўчқор, Онибис – шақал, Нехебит – калхат, Сет – илон, Шебет(Сўбека) – тимсоҳ ва бошқа ҳайвонлар шаклида тасвирланган. Бутун мамлакатда фуқаролар мушук, қирғий, шер, буқа, эчки каби ҳайвонларга сиғинганлар.

Қадимги Месопотамия. Қадимги Миср билан бир даврда энг кўҳна юксак маданият яратган Дажла (Тигр) ва Фот (Евфрат) дарёлари воҳаси – Месопотамияни баъзи тадқиқотчилар қадимги динларнинг бешиги деб атаганлар. Чунки икки дунё – Шарқ ва Ғарб цивилизацияси оралиғида яшаган қадимги шумерлар, аккадлар, сурияликлар ва бобилликлар яратган ажойиб маданият ва уларнинг динлари қўшни мамлакатларга таъсир кўрсатган.

Қадимги Шарқ халқларининг маданияти сингари кўҳна Месопотамия маданияти ҳам ҳар хил диний тасаввурлар билан аралашиб, ибтидоий диний-сеҳргарлик эътиқодлари билан суғорилган. Уларда табиат кучларига ва айниқса сувга сиғиниш кенг тарқалган. Худолар одамсимон маҳлуқ шаклида тасвирланганлиги тотемистик тасаввурларнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Милодан аввалги II минг йиллик ўрталарида икки дарё ўртаси бирлаштирилиши билан донишмандлик худоси – балиқ думли ёки гардани балиқникига ўхшатиб тасвирланган Эа одамларни ҳар хил касб-ҳунарга, санъат ва билимга ўргатувчи илоҳий қудрат деб танилган. Унинг «ўғли ва образи» бўлмиш Таммуз ҳам сув худоси ҳисобланган ва «мамлакат ўсимликларининг ҳукмдори» деб аталган.

Табиатни туғдирувчи ва ҳаёт худоси Иштар кўпинча танасидан шох-бутоқлар ўсиб чиққан аёл образида тасаввур қилинган ҳамда «осмон ва ернинг порлоқ машъали» бўлмиш «Зуҳра юлдузи» сифатида мужассамлаштирилган. Момақалдироқ худоси ва Бобилнинг энг олий ҳомийси Мардук афсонавий аждарҳо ёки ярим илон, ярим қуш қиёфасида тасвирланган.

Қадимги Ҳиндистон. Тафаккур эркинлиги асосида пайдо бўлган диний танқид намуналари, айниқса қадимги Ҳиндистон ва Хитойда ривож топган. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида шимоли-ғарбий Ҳиндистонда ижтимоий табақаланиш кескинлашгани, мустаҳкам ҳокимиятнинг мавжудлиги, ўзига хос юксак моддий ва маънавий маданият, чунончи, суратли ёзув, санъат ва дин шакллари бўлганлиги аниқланган.

Ҳиндистоннинг узоқ шимоли-ғарбдан келган орий қабилалари истилосидан кейинги давр даги ижтимоий тузуми, маданияти ва динларини қадимги ёзма манбалар, даставвал қонун ва диний тўплам (веда)лар асосида тасаввур қилиш мумкин. Веда динлари билан бир қаторда ўша даврда ҳар хил тотемистик тасаввурлар, табиатга, айниқса, космик ҳодисаларга сиғиниш каби ибтидоий дин шакллари ҳам мавжуд бўлган.

Бундан ташқари, илк синфий жамиятларга хос бўлган ҳомий турли худоларга сиғинилган. Мифларга қараганда, худолар дунёнинг яратилишида иштирок қилганлар, аммо бунёдкорлик ролини ўйнамаганлар. Веда худолари пантеонида осмон худоси Воруна, қуёш худоси Сурьё, тонг худоси Умос, момақалдироқ ва яшин худоси Индра, шамол худоси Вайю, олов худоси Огни, охират худоси Ема, ҳосилдорлик худоси Одити энг муҳим худолардан ҳисобланган.

Будда таълимотининг асосий моҳияти жабр-зулмдан қутулиш чорасини «кашф» этишдан иборат. Буддада нажоткорлик вазифасини адо этувчи «тўрта қоида» мавжуд бўлган:

Биринчи – бу ўткинчи дунё ғам-ғуссага тўла, ҳар бир маҳлуқ ўлганидан кейин бошқа бир жисм (одам, ҳайвон ва ҳоказо) шаклида қайта тирилади; борлиқ – жабр-зулм демакдир; яшаш – жабр чекиш, йўқлик – эзгулик;

Иккинчи – жабр-зулмнинг сабаби ҳаётга ташналик, орзу-истак, кайф-сафо, ҳавас туйғулари; ҳар истак ва интилиш жўшқин фаолият талаб этади, фаол ҳаракат янги азоб-уқубат келтиради. Шунинг учун буддист севги-муҳаббат, раҳмдиллик, авф этиш каби фаолият уйғотувчи туйғулардан холи бўлиши шарт;

Учинчи – жабр-зулмдан барча истак, орзу-ният ва завқ-сафодан кечиш орқали қутулиш мумкин. Будда «сенинг руҳингни эркалатадиган, ишқ-ҳавас уйғотадиган барча нарсалардан ўзингни тий», деб таълим беради;

Тўртинчи – чархи фалак яратган қайта тирилиш доирасидан рўшнолик (нирвана) орқали қутулиб, абадий йўқолиб кетиш, рўшноликка эришиш учун «тўғри ўйлаш, тўғри гапириш, тўғри ҳаракат, тўғри турмуш тарзи, тўғри ният, тўғри диққат-эътибор, тўғри разм солиш» зарур ҳисобланади.

Милоддан аввалги III асрда ҳинд подшоси Ашока буддизмни давлат дини деб эълон қилган.

Қадимги Хитой. Қадимги Хитой маданияти ҳам кўҳна Миср, Бобил ва Ҳиндистон сингари қулдорлик ишлаб чиқариш заминида пайдо бўлган ва ўзига хос диний тасаввурларни яратган. Дастлабки қулдорлик жамиятлари ташкил топиб ривожлана бошлаган (милоддан аввалги II – I минг йилликлар) давомида Хитойда энг тарқалган диний тасаввурлар – аждодлар ва табиат «руҳлари»га сиғиниш билан боғлиқ тотемистик эътиқодлардир.

Қадимги Хитой динларида моҳир коҳинлар ва махсус ибодатхоналар бўлмаган. Диний маросимлар очиқ майдонда ўтказилган. Осмон ва ер руҳларига аталган ибодатхоналар кейинроқ қурилган.

Милоддан аввалги V–VI асрларда ижтимоий ва сиёсий инқирозлар даврида пайдо бўлган фалсафий таълимот – конфуцийчилик етакчи ғоявий оқим сифатида шаклланиб, кейинчалик милоднинг бошларига келиб, ҳукмрон феодал синфи манфаатини ифодаловчи динга айланган. Унга асос солган Кун-цзи (Конфуций)нинг фикрича, ҳар бир инсон жамиятда ўзининг тутган ўрнини билиши керак. Яъни «подшо – подшолик қилиши, хизматкор – хизматкорлик, ота – оталик, ўғил – ўғиллик қилиши зарур».

Милоддан олдинги II асрга келиб, Кун-цзини илоҳийлаштириб, унга итоат қила бошлаганлар, қурбонликлар берганлар, ибодатхоналар қурила бошланган. Милоднинг III асрида конфуцийчилик давлат дини деб эълон қилинган, император «осмон ўғли» ва бош коҳин деб танилади.

Иккинчи диний-фалсафий таълимот афсонавий донишманд Дао-цзи асос солган «Даосизмдир». Бу таълимот сеҳргарлик, шаманлик, астрология ва алхимия аралашмаларидан ташкил топган. «Дао» дегани абадий ўзгариб турадиган нарсалар ва одамлар дунёсининг «йўли» маъносини англатади. Бу йўл на худо, на одамга боғлиқ эмас, унинг ўзгарувчанлиги табиий қонун.

Японияда илк феодализм (VI–VII асрлар) даврида конфуцийчилик, даосизм, буддизм таъсирида турли уруғ-қабилавий ақидалар, урф-одат ва маросимлар асосида тотемизм, анимизм, сеҳргарлик, табиатга ва аждодларга сиғиниш каби илк динларнинг аралашмасидан ташкил топган синтоизм дини анъанавий миллий диний таълимотга айланган. Бу атама «синто – «худолар йўли» сўзидан олинган бўлиб, ҳозир японларнинг миллий дини деб қабул қилинган.

Синтоизм таълимотида жуда кўп худолар ва руҳлар мавжуд бўлиб, олий қуёш маъбудаси Аматэрасу императорлар сулоласининг ҳомийси, император олий мавжудот яратган одам – худо ҳисобланган, авомни гўёки иккинчи даражали руҳлар – «ками» (аждодлар худоси, қаҳрамонлар, руҳлар) яратган деб, ўзларини эса худо фарзандлари сифатида таърифлайдилар. Синтоистларда ақидавий муқаддас китоблар йўқ, аммо ҳар хил афсоналар, ривоятлар махсус мифологик солнома – «Кодзики» номли тўпламда сақланмоқда.

Иудизм. Энг қадимий миллий-давлат динларидан иудизм (яҳудийлик) Яқин Шарқда пайдо бўлиб, кейинги жаҳон динлари – христианлик ва исломга ўз ақидалари билан, айниқса, муқаддас китобларда тўпланган мифологияси билан катта таъсир ўтказган. Иудизм милоддан аввалги иккинчи минг йилликларда Арабистон ярим оролида яшаган семит қабилалари орасида шаклланиб юзага келган.

Милоддан аввалги II минг йилликларда яҳудийлар, Арабистон ва Фаластиндаги бошқа семит халқлари сингари ҳар хил худоларга ва арвоҳларга сиғинишган, турли ҳайвонларга ва бошқа халқларнинг маъбудаларига ҳам итоат қилишган. Маҳаллий авлиё ҳисобланган Иисус Навин, Авраам, Иаков, Исаак кабилар кўп худолик даврида бош худо шаклида кўтарилган маъбудалардир. Шулардан Яхве даставвал қадимий яҳудий халқи авлодининг бир маъбудаси сифатида намоён бўлиб, кейинчалик бош худо даражасига кўтарилади.

Яҳудийлар ва арабларнинг ота-боболари бир бўлиб, Иаков (Ёқуб) пайғамбардан тарқаган ва у гўё, монотеистик тасаввурларга асос солган. Иаковнинг 12 ўғли (яҳудий халқининг 12 бўғин авлоди) унинг бош патриархлари бўлиб танилган.

Ҳозиргача бутун Шарқда, шу жумладан, Ўрта Осиёда ҳам, Авраам (Иброҳим), Давид (Довуд), Соломон (Сулаймон) каби Таврот номлари билан боғлиқ муқаддас жойлар ва ҳар хил ривоятлар жуда кўп учрайди. Патриарх Авраам асли Месопотамиядан Ханаанга кўчиб келган қабила номини ифодаловчи афсонавий образдир. Давид (Довуд пайғамбар) ёки Соломон (Сулаймон пайғамбар)лар яҳудийлар давлатининг бириккан, гуллаган даврида ҳукмронлик қилган шахслардир.

Зардуштийлик. Яқин даврларгача фанда қабул қилинган тизим асосида жаҳон динлари фақат уч дин – буддизм, христианлик ва ислом деб ҳисобланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дастлабки жаҳон дини турли ирқ ва элатлар орасида тарқалиб, бир неча давлатларда асосий ҳукмрон мафкура деб қабул қилинган таълимот зардуштийлик (зороастризм)дир.

Зардуштийлик дини Ўрта Осиёда пайдо бўлиб, Эрон ва Озарбайжонга тарқалган. У I минг йилликнинг бошларида давлат динига айланган. Зардуштийлик ёки зороастризм номи бу динга асос солган афсонавий пайғамбар Заратуштра (Зороастра) исми билан боғлиқ. Аммо у фанда бошқа ном билан ҳам аталади: унга бош худо Аҳурамазда исми билан маздаизм, бош муқаддас китоб «Авесто» номи билан авестоизм, асосий эътиқод Оллоҳга сиғиниш бўлганлиги учун оташпарастлик ёки кейинги даврларда худо Митра исми билан митраизм деб ном берилган.

Бу диннинг энг муҳим белгиси шундаки, унда ёруғлик, эзгулик худоси Аҳурамазда (Ормузд) ва қоронғулик, ёвузлик худоси Анҳра Майню (Аҳримон) орасидаги доимий жиддий кураш ғояси ётади. Аҳурамазда – деҳқончилик, ўтроқ аҳолининг, Анҳра Майню – жанговар, урушқоқ кўчманчи қабилаларнинг, йиртқич ҳайвонларнинг ҳомийси, деб таърифланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар (мунозара) пайтида «Табаррук замин», «Авесто» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар, Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан тайёрланган «Ўзбекистон давлати – қадимий маданият маркази» номли видеомаъруза намойиш этилади.

ШАКЛЛАНАР, ТОБЛАНАР ЎҒЛОН

Армия эр йигитнинг шахс сифатида камол топишида, жисмонан ва маънан юксалишида муҳим ўрин тутади. Айниқса, ислоҳотлар изчил олиб борилаётган миллий армиямизда хизмат қилиш бугунги кунда ёшларимизнинг эзгу орзусига айланиб бормоқда. **«Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда...»** деган эди Президентимиз.

– Мен муддатли ҳарбий хизматда ўзим учун керакли жуда кўп ҳаётий билимлар орттирдим, – дейди Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани Потрон қишлоғида яшовчи Фахриддин Ҳазратқулов. – Армия ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Қатъият, шижоат, фидойилик, ўзимга ишонч туйғуларини айнан хизмат туфайли кашф этдим, десам ёлғон бўлмас. Айниқса, хизматдан Тавсиянома билан қайтишим ота-онамни қанчалар хурсанд қилганини айтмайсизми! Менга ҳавас қилиб тенгдошларим, ука ва жиянларим ҳам аскар бўлишга қизиқиб қолишган. Эндиликда шартнома асосида хизматга киришни дилимга тугдим. Жанговар ҳаётда эришган муваффақият ҳамда ютуқларимдан бир умр хурсанд бўлиб, доим фахр-ифтихор ҳиссини туйиб юрсам керак. Келажакда албатта, офицер бўлиш мақсадим.

Ҳа, азизлар. Ислоҳотлар сабаб, бугунги кунда армиямизнинг нуфузи кундан-кунга ортиб, тобора фахр-ифтихор касб этиб бормоқда. Биргина муддатли ҳарбий хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятларнинг ўзиёқ профессионаллик йўлида шаклланаётган миллий армиямиз мавқеи, тутган ўрни қай даражада юксаклигидан далолатдир. Бундан ташқари, шартнома асосидаги ҳарбий хизмат, армиямиз таянч устунлари ҳисобланган сержантлар фаолияти, уларга кўрсатилаётган эътибор, профессионал ҳарбий хизматчилар етиштириб бераётган сержантлар тайёрлаш мактаблари ва офицерлар тайёрлайдиган олий ҳарбий билим юртларида таълимнинг такомиллаштирилган ва чуқурлаштирилган ҳолда олиб борилиши, офицерларимиз билим ва малакасини оширишлари учун Қуролли Кучлар Академиясидаги таҳсил – бунинг бари Ватан посбонларининг ҳар томонлама стук, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб шаклланишида ўзига хос ўрин тутмоқда.

Анъанага айланган муддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган ва резервга бўшатилаётган йигитларни байрамона тарзда кузатиш, шунингдек, кутиб олиш тадбирларининг давлат аҳамияти даражасига кўтарилгани, чақирилувчиларнинг ҳар томонлама пухта кўриклардан ўтказилиб, саралаб хизматга олиниши, муддатли хизматга чақирилмаган, бироқ чақирилишдан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлмаганларнинг сафарбарлик чақируви резерви ойлик йиғинларига жалб этилиши, бунда ҳам кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши миллий менталитетимизга асосланган урф-одатларимизга ғоят мосдир. Агарда муддатли ҳарбий хизматчи хизмат давомида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлардан аъло натижаларга эришган бўлса, Тавсиянома олишга сазовор топилади. Бундайларга эса Юртбошимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига биноан институтга кираётганида умумий тўпланиши мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Мабодо давлат гранти асосида ўқишга тўплаган баллари етмайдиган бўлса, у ҳолда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларидан бўлган собиқ аскар йигитларга тўлов контрактнинг 35 фоизи мазкур ҳаракат томонидан тўланади. Ишламоқчи бўлганларга квоталанган иш ўринлари бор. Ҳунар ўрганишни хоҳлаганлар учун эса устозлар бириктирилиб, маълум муддат давомида у бирор ҳунарга ўргатилади. Шу билан бирга, ўша давр мобайнида ўрганувчига стипендия, устозига эса бунинг учун тегишли иш ҳақи белгиланади.

– Ўғлим армияда анча ўзгарибди, – деган эди Фахриддиннинг онаси Оппоқой Сатторова қувонч билан. – Албатта, яхши томонга. Назаримда, эркатойим навқирон йигит бўлиб етилгандек. Қараб кўзларим тўймайди. Энди бир чиройли қиз топиб уйлантирсам, деб ният қилиб юрибман. Кўз остимга олиб юрганларим ҳам бор, кўрамизда энди. Майли, ишқилиб омадини берсин.

– Ўғлимиз хизматга кетгач, Ҳарбий қасамёд қабул қилаётганда ортидан боргандик, – дейди отаси Мажид ака. – Ўша пайти миллий армиямиз ҳаёти, буларга яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишдик. Буни қаранг, нафақат укалари, балки бундан катта акалари ҳам қизиқиб қолишди, у ердаги шароитларни, армия туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имкониятларни эшитиб. Рости гап, мен хурсандман. Бир пайтлар биз бошқа юртларда хизмат қилгандик. Ўзим етолмаганларга болаларимнинг эришиб юришини кўриб, кўзларимга ёш келади. Болаларимга оталарча тилагим, доим ғолиб ва музаффар, мард ва етук бўлсин.

– Фахриддин Ҳазратқулов туманимизнинг энг намунали ўғлонлари қатори барча кўрик-танловлардан муваффақиятли ўтиб, биринчилардан бўлиб хизматга юборилган эди, – дейди Қарши тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Шамсиддин Абдуллаев. – Мана, хизматни аъло даражада якунлаб, ҳақиқий эр йигитлардек ғурур билан қайтишди. Булардан ота-онаси ҳам, маҳалла ҳам, биз ҳам хурсандмиз. Умуман, туманимиз йигитларининг кўпчилиги уйига хизматдан Тавсиянома билан қайтишмоқда. Бундайларга ҳавас қилиб, хизматга боришни истайдиганлар сафи янаям ортмоқда. Демак, кўринадики, армиянинг нуфузи ортиб, мавқеи тобора юксалянти. Мудофаа ишлари бўлимида эса халқимизга, айниқса, ёшларга армия ҳақида тўлиқроқ тасаввур бериш мақсадида маҳалла кенгашлари, жамоатчилик ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Самарали натижаларга қараб айтиш мумкинки, бундай тадбирлар ўз мевасини бермоқда.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ШИРИН СЎЗ ҲАМ ШИФО

Инсон ҳаётида саломатликнинг ўрни беқиёс. Танангиз соғ бўлса, фикрингиз аниқ, ишингизда унум ва барака бўлади. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги – жанговар шайликда муҳим ўрин тутади. Шу боис қай бир қисмда бўлманг, посбонларнинг саломатлигига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўласиз. Ҳарбий ҳамшира, тиббий хизмат кичик сержанти Барака Рўзиеванинг ҳам ҳалол меҳнатини фикримизга далил сифатида бемалол кўрсатишимиз мумкин.

Маълумки, тиббиёт ходимлари ўзларининг масъулиятли хизматлари билан эл орасида ардоқланиб, эъзозланиб келинади. Улар Қуролли Кучларимиз сафларида ҳам салмоқли хизмат қилишмоқда. Тиббиёт ходимлари орасида шундай заҳматкаш инсонлар борки, уларни беихтиёр асл фидойилар, деймиз.

Қарши гарнизонига қарашли қисмлардан бирида бўлиб, ҳарбийликдек машаққатли касбни танлаган аёллар ҳақида мақола ёзмоқчи эканлигимизни айтганимизда, тарбиячи офицер Абдуғофир Ўроалиев бизга тиббиёт пунктининг хизматчиси малакали ҳамшираси, тиббий хизмат кичик сержанти Барака Рўзиевани тавсия қилди.

– Эгнига ҳарбий либос кийиб, жанговар хизмат машаққатларини муносиб енгиб ўтаётган қизларни кўрганимда, уларнинг иродасига, шижоат ва қатъиятига қойил қоламан, – дейди тиббий хизмат капитани Ҳусен Самадов. – Барака ҳам ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани шараф билан уддалай олганлардан бири. У ўз касбини жуда севади. Ширинсўзлиги, очиқкўнгиллиги билан шахсий таркиб орасида ўзининг муносиб ўрнини топган.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида истиқомат қилувчи оддий деҳқон оиласида қиз фарзанд туғилганида, унга Барака деб исм қўйиб, ота-оналари уни баракали ва мазмунли ҳаёт кечиришини тилаганди. Шундай бўлди ҳам: ёшлигидан зукко, қувноқ қизалоқ ҳарбийликка тиббиёт коллежида аъло баҳоларда ўқиб юрган пайтидаёқ ҳавас қилганди. Бугунги кунда орзуси рўёбга чиқиб, Барака тиббиёт пунктида катта ҳамшира вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

2004 йилда у сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, малакали устозлардан соҳа илмининг сир-асрорларини чуқур ўрганиб, ўз касбий тажрибасини мустаҳкамлади.

– Барака ўз вазифасини юқори сифат билан бажаради, – дейди тиббиёт пункти ходими Бахтиёр Суяров, – ҳарбий хизматчилар ўртасида билимдонлиги, беминнат ёрдамини ҳеч кимдан аямаслиги туфайли ҳурмат қозонган.

Хизмат жойига етиб келиши билан кичик сержант Б.Рўзиева ишни аввало ўзига бириктирилган бўлинмалардаги посбонларни эрталабки тиббий кўрикдан ўтказишдан бошлайди. Аскарларга керакли маслаҳатлар беради. Уларнинг тозалик ва шахсий гигиенага эътибор қилишларини таъкидлайди.

– Кўчада ҳарбий либос кийиб юрган аёлларни кўрганимда, маҳлиё бўлиб, улар ортидан қараб қолардим, ўшандаёқ, албатта ҳарбий бўламан, деб дилимдан ўтказгандим, – дейди кичик сержант Барака Рўзиева. – Мана, ҳарбийлар сафига қўшилганимга ҳам етти йил бўлиб қолди. Ўз касбимни жуда севаман. Мард, жасур ўғлонлар билан бир сафда, Ватан осойишталигини асрашга ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман. Худо хоҳласа, ўғлим Аббосжоннинг ҳам ҳарбийликдек шарафли касб эгаси бўлишини истайман.

– Барака билан хизмат қилаётганимга анча йил бўлиб қолди, – дейди тиббиёт пункт ҳамшираси Дилфуза Хўжаева. – У ўзининг интилувчанлиги, олижаноблиги, самимийлиги билан барчанинг қалбидан чуқур жой олган.

Мақоламиз қаҳрамони ҳарбий қисм ошхонасидаги фитобар фаолияти учун масъул. Фитобардаги ишлари ҳақида савол берганимизда ҳамшира шундай жавоб берди:

– Бу ерда икки йилдан буён аскарлар учун турли хил доривор шарбатлар тайёрлаб, уларнинг соғлом, жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб юришларига ўз ҳиссамни қўшиб келяпман. Фитобарда витаминлардан фойдаланиб наъматак қиёмидан шарбатлар тайёрлаймиз, аскарлар кечки овқатдан олдин ичишади.

Кичик сержант Б. Рўзиева хизмати давомида кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Қарши госпиталида округ ҳамширалари ўртасида ўтказилган танловда ўз билим ва маҳоратини намоён этиб, яхши натижа кўрсатган бўлса, ҳозирги хизмат жойида ҳарбий қисм командири томонидан бир неча бор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Албатта, бу ютуқлар унинг ўз устида тинимсиз ишлаши, устозларининг бой тажрибасини мукаммал эгаллаганлиги туфайлидир.

Аҳрор ОЧИЛОВ.

Ҳуқуқ оламида

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк пайтларидаёқ ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Президентимиз томонидан давлат ва жамиятнинг тубдан ислоҳ қилишнинг янги концепцияси ишлаб чиқилиб, бунда қонуннинг устуворлиги асосий тамойиллардан бири эканлиги эътироф этилди.

Парламентимиз томонидан миллийлик руҳи билан суғорилган, жаҳон ҳуқуқий андозаларига мос ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимиятининг мустақил ҳокимият эканлиги қатъий белгиланиб, суд ва судьялар фақат қонунгагина бўйсунишлари кўрсатилди.

Хусусан, Конституцияда «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», деб белгилаб қўйилган.

Қонунимиз қоидалари одил судловни холис ва юқори савияда амалга оширилишини кафолатлайди. Ҳозир суд ва судьяларнинг мавқеи сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди, уларнинг зиммаларидаги масъулият кескин оширилиб, одил судловни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида ва суд ислоҳотини ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ичида суднинг роли ва вазифасига алоҳида эътибор берилганлиги бежиз эмас.

Хусусан, Юртбошимизнинг қатор маърузаларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш масалалари катта ўрин эгаллаган бўлиб, уларда фуқароларнинг судга нисбатан қарашларини тубдан ўзгартириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, судлар таркибини янада такомиллаштириш, суд ишлари холисона, ҳеч кимнинг аралашувисиз кўрилиши, ҳар бир суд жараёни фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлишига эришиш каби муҳим вазифалар акс эттирилган.

Давлатимиз раҳбарининг суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашдаги саъй-ҳаракатлари одил судловни амалга оширишда ўз самарасини кўрсатди. Хусусан, Президентимизнинг ташаббуслари билан амалга ошган суд тизимининг ихтисослаштирилиши яъни фуқаролик ишлари, жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилиши жуда улкан қадам бўлди. Бу маълум ихтисосга мос ишларни кўришда сансоларлик, эътиборсизлик каби салбий ҳолларга чек қўйиш учун замин яратди.

Бундан ташқари, апелляция босқичи қонунлаштирилиши ҳам ишларни бекор қилиб, қайта судга ёки қўшимча терговга қайтарилишини, кишиларнинг сарсон-саргардон бўлиб, қайта-қайта судларга келишининг олдини оладиган бўлди. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини белгиловчи янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ушбу ижобий натижаларнинг барчаси судларнинг жамиятдаги ролини беқиёс даражада оширмоқда, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий судлар ўз фаолиятларини ҳарбий муҳитда амалга ошириб, асосий эътибор Қуролли Кучларда қонун устуворлиги, ҳарбий хизматчилар томонидан ҳарбий интизомга қатъий риоя қилинишига қаратилмоқда. Ҳарбий судлар томонидан Қуролли Кучларда одил судловни амалга ошириш билан бирга, ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга жиддий аҳамият берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳарбий судьялар томонидан ҳарбий хизматчилар билан барча учрашув ва давра суҳбатларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳимоясида Қуролли Кучларимизнинг тутган ўрни ва аҳамияти, миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ҳақида гапирилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳақиқатан ҳам суд қайси муҳитда бўлмасин, халқимизнинг кўз ўнгида ҳаққоний, одил, инсонпарвар, қонун устуворлигини таъминлайдиган чинакам, мустақил ҳокимиятга айланиб бормоқда.

Адлия подполковниги О.МЕЛИЕВ, Бухоро ҳарбий судининг раиси.

Шифокор маслаҳати

ҲАЁТИНГИЗ ГУЛТОЖИНИ АСРАНГ

Соғлик – инсон ҳаётининг гултожидир. Одатда онгли кишилар ўз саломатликларини асраб-авайлайдилар. Касалликнинг олдини олиш ҳар биримизнинг етилиб келаётган муаммоларимизнинг олдини олиш демакдир. Шу кунларда аҳоли саломатлигини тиклаш, жойларда профилактика ишларини йўлга қўйиш, йоднинг организм учун фойдали томонларини тушунтириш бўйича республикамизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Биз мазкур масала юзасидан Республика Эндокринология илмий-текшириш институтининг даволаш ишлари бўйича бош шифокор муовини, тиббиёт фанлари номзоди Ҳабибахон Рустамовани мулоқотга чорладик.

– Инсон организмида йод танқислиги қандай асоратларга олиб келади?

– Йод етишмовчилигининг аҳоли саломатлигига таъсири катта. Инсон учун йодга бўлган кундалик эҳтиёж ўртача 100–200 мг.ни ташкил этади. Бу миқдордаги йодни у асосан истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларидан олади. Соғлом одам танасида йоднинг 70–80 фоизи қалқонсимон безида бўлади. Йод қалқонсимон безининг тиреоид гормонлари ишлаб чиқариши учун зарур. Йод етишмовчилиги инсоннинг ривожланаётган мияси, юрак, жигар, буйрак ва бошқа аъзолари шикастланишига ва натижада йод танқислигига олиб келади. Бу хасталик ақлнинг заифлашуви, бўқоқ (қалқонсимон безнинг катталашуви), дармонсизлик, жисмоний ривожланмаслик, бепуштлик ва бошқа асоратларни келтириб чиқаради. Айниқса, мия фаолиятига кескин таъсир этади, ақл заифлигининг енгил даражасидан кретинизмгача, карлик, паканалик ва бошқа ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Қалқонсимон без эса ушбу етишмовчиликни тўлдириш учун фаолиятини тезлаштиради. Унинг ҳужайралари йириклашади ёки кўпаяди. Натижада бўқоқнинг кўзга кўринарли турлари вужудга келади (диффуз эутироид бўқоқ, тугунли бўқоқ, тугунли заҳарли бўқоқ, баъзи ҳолларда саратон ўсимталари, бирламчи гипотиреоз кабилар). Йод танқислиги айниқса, ёш болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларга жиддий зарар етказади.

– Қалқонсимон без касалликлари олдини олиш чора-тадбирлари қандай?

– Ривожланган мамлакатлар тажрибаси йод танқислиги касалликларининг олдини олишнинг энг мақбул профилактик чораси ош тузига йод қўшиб, ушбу тузни бутун аҳолига мунтазам равишда тарқатиб туриш зарурлигини кўрсатади. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ош тузига йод қўшишнинг бир қанча афзал томонлари бор. Бунда туз осон йодланади; тузни йодлаш арзон, йодланган тузни ҳар бир киши доим деярли бир хил миқдорда қабул қилишини ҳисобга олинса, йоднинг ортиқча миқдорини қабул қилиш хавфи йўқлиги яққол кўринади; тузнинг таъми йод таъсирида ўзгармайди; жуда кўп мамлакатларда аҳолини йодланган туз билан таъминлаш орқали бўқоқнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришилган.

Ҳар бир инсон ўз саломатлиги учун ҳам эндокринолог кўригидан ўтиб туриши даркор. Касалликнинг олдини олиш даволашдан осон кечади. Касаллик ривожланган беморлар шифокор-эндокринолог назорати остида даволаниши лозим. Уларга керакли миқдорда тиреоид препаратлар буюрилади. Тугунли ва кўп тугунли бўқоқ жарроҳлик йўли билан даволанади. Диффуз, яъни заҳарли бўқоқ 1–1,5 йил давомида консерватив даволангандан сўнг ижобий натижаларга эришилмаса, у ҳолда беморларга жарроҳлик йўли билан даволаниш тавсия этилади.

Нима бўлганда ҳам, соғлигимиз учун маълум вақт ажратиб туришимиз, шифокор кўригидан ўтишимиз керак. Шундагина ортиқча ташвишларга ўрин қолмайди.

Алишер МАТЁҚУБОВ суҳбатлашди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Ураган в Анталье

В турецком городе Анталья в результате сильного дождя и ветра есть погибшие и раненые. Сильный порывистый ветер со скоростью до 70 км в час и дождь стали причиной частичного обрушения крыши одного из популярных торговых центров. Спасатели сумели спасти из-под обломков пять человек, в том числе трехлетнюю девочку, которая впоследствии скончалась в больнице, передает ИТАР–ТАСС.

В Таиланде – новое руководство

Новое военное руководство Таиланда объявило в розыск двух членов отстраненного от власти правительства. Бывший министр природных ресурсов и бывший начальник канцелярии главы правительства стали первыми деятелями свергнутой власти, по отношению к которым принята подобная мера. Их местонахождение в настоящее время неизвестно. Таиланд возвращается к нормальной жизни.

Вновь беспорядки в Будапеште

Массовые столкновения демонстрантов с полицией возобновились вновь в венгерской столице. Десятки полицейских полностью перекрыли район Западного вокзала, где собрались свыше 200 манифестантов. Некоторые участники митинга держат плакаты с лозунгами, напоминающими о событиях 1956 года. В толпе мелькают молодые люди в масках. Многие ораторы подчеркивают значение идеи создания «Национального круглого стола», в котором приняли бы участие представители различных политических объединений.

Решение «ближневосточного квартета»

«Ближневосточный квартет» (ООН, ЕС, Россия и США) решил расширить программу оказания помощи Палестинской автономии и призвал Израиль передать палестинским властям полномочия по получению доходов от сбора налогов. Об этом говорится в заявлении, принятом по итогам состоявшейся в штаб-квартире ООН встречи на министерском уровне в составе РФ, США, Евросоюза и ООН.

Милицейский УАЗ попал в засаду

Пять сотрудников временной оперативной группировки отделов и подразделений МВД России погибли в результате обстрела в Старопромысловском районе Грозного. В районе остановки «Школьная» неизвестные лица обстреляли милицейский УАЗ, в котором передвигалась оперативная группа. В результате обстрела на месте происшествия погибли четыре человека, один скончался по пути в больницу, машина была небронированной.

Новая трагедия на шахте

На украинских шахтах произошла новая трагедия. Трое горняков погибли на шахте «Допропольская» в Донецкой области. Предварительная версия – отравление газовой смесью. Об этом сообщила пресс-служба МЧС Украины. На шахте имени Засядько, где накануне погибли 13 горняков, продолжается дегазация – вентиляция аварийной лавы. По уточненным данным МЧС, в момент выброса метановой смеси на участке работали 20 горняков.

«Atlantis» успешно приземлился

Американский космический «челнок» «Атлантис» совершил успешную посадку на взлетно-посадочной полосе Космического центра имени Кеннеди. «Завершился 13-дневный полет шаттла. Экипаж полностью выполнил поставленные перед ним задачи», – сообщил «Интерфаксу» представитель NASA. Ранее планировалось, что шаттл приземлится 20 сентября. Однако посадка была перенесена на сутки из-за нештатной ситуации.

Панда и посетитель покусали друг друга

В Пекинском зоопарке посетитель и панда покусали друг друга. Во время экскурсии по зоопарку он приметил в одной из вольер спящую панду. Он пролез туда и попытался обнять мишку. Проснувшись, Гу-Гу испугался, попятился и, пытаясь защититься от гостя, укусил «гостя» за ногу. Разозлившись горемыка ударил ногой медведя. Тот в ответ укусил его за вторую ногу. В завязавшейся борьбе посетитель попытался укусить панду за спину, но безуспешно. Спасателям удалось спасти подвыпившего посетителя.

(www.NEWSru.com).

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

(Продолжение.

Начало в предыдущих номерах).

– Саидшо, твои условия принимаются. Через несколько минут к подъезду подъедет микроавтобус, в котором вы поедете до места обмена. Машину вы увидите из окна квартиры. В микроавтобусе будет четыре канистры с бензином. До места обмена за вами будет следовать наша группа, – голос полковника был спокоен.

Саидшо смотрел на мужчину и женщину. Он не испытывал к ним никаких чувств, давно приучив себя не задумываться над судьбами людей. Ему достаточно того, что он знает, во имя чего он может лишить жизни человека. Убивая, нельзя рассуждать точно так же, как нельзя рассуждать о рае. Рассуждения воина приводят к жалости, ведущей к слабости духа, а слабый дух не может быть стержнем в вере. Это была его собственная истина, с которой он готов был умереть с улыбкой на губах, ведь Аллах хочет видеть каждого уходящего из этого мира смеющимся и презирающим все существующее на этой земле.

Саидшо не сомневался в том, что оперативники согласятся с его условиями. Все предыдущие похищения иностранцев боевиками Ризвона кончались принятием их условий. И если бы не глупость Бахрома...

Хотя кто их знает, насколько они ценят именно этих иностранцев. Надо надеяться только на Аллаха. Он посмотрел на боевиков, каждый из которых занял отведенную ему позицию обороны квартиры. И тут же подумал о другом – что, если власти нарушат условия обмена и начнется штурм или захват? Прорываться на улицу бесполезно, даже если мы вырвемся из дома, нас перестреляют на улице. В любой ситуации заложники должны умереть на секунду раньше них. Он предупредил боевиков, что, если начнется штурм квартиры, им надо по команде использовать гранаты, собравшись в углу комнаты, там, где сейчас сидят заложники. Он не стал говорить, что это их священный долг, дающий им только одно право – право на смерть.

Прошло несколько минут, и боевик, наблюдающий из окна за всем тем, что происходило во дворе дома, сообщил, что к подъезду подъехал небольшой автобус, из которого выскочил солдат и, пригибаясь, забежал за угол дома. Больше нигде не было видно ни одного человека, двор был пустым.

Саидшо проинструктировал троих боевиков, как надо двигаться к машине, не выпуская из своего кольца заложников. Говорил и знал, что они сами знают, как действовать в этой обстановке. Знал потому, что все эти действия Ризвон много раз отрабатывал с боевиками на тренировках в Афганистане.

– Или мы доедем с заложниками до границы и обменяем их на Бахрома, или... все погибнем, как шахиды. Действовать только по моей команде. И еще: я не исключаю снайперов. Если они начнут стрелять, у каждого из нас будет только доля секунды. При первом их выстреле все используют гранаты. Постоянно читайте молитву. Я знаю – смерти вы не боитесь.

Саидшо подошел к заложникам и сказал мужчине, что сейчас начнется выход из квартиры, и не дай Бог им попытаться бежать. Он не стал говорить об условиях, по которым их должны обменять на Бахрома, и тем более, где будет происходить этот обмен. Пусть мучаются неизвестностью – страх парализует человека.

Полковник в бинокль разглядывал группу, вышедшую из подъезда дома. Шесть человек, из которых четверо были террористами. Боевики шли медленно, озираясь по сторонам, готовые среагировать на любую неожиданность. Каждый из них в вытянутой вверх над головой руке держал по гранате. В кольце группы с низко опущенными головами, мелкими шажками семенили мужчина и тесно прижавшаяся к нему женщина.

> ГРУППА ШЛА МЕДЛЕННО К МАШИНЕ. ВО ДВОРЕ СТОЯЛА ПОЛНАЯ ТИШИНА, НЕ СЛЫШНО БЫЛО ДАЖЕ ШУМА МАШИН С СОСЕДНИХ УЛИЦ: ВСЕ БЛИЖНИЕ ДОРОГИ В ЦЕЛЯХ БЕЗОПАСНОСТИ БЫЛИ ПЕРЕКРЫТЫ. САИДШО НЕ УДИВЛЯЛСЯ ЭТОЙ ТИШИНЕ, ОБЪЯСНЯЯ ВСЕ ТЕМ, ЧТО ОПЕРАТИВНИКИ ГОТОВЫ ИСКЛЮЧИТЬ МАЛЕЙШИЙ СРЫВ...

Группа шла медленно к машине. Во дворе стояла полная тишина, не слышно было даже шума машин с соседних улиц: все ближние дороги в целях безопасности были перекрыты. Саидшо не удивлялся этой тишине, объясняя все тем, что оперативники готовы исключить малейший срыв, который может повлечь самоуничтожение всей его группы и смерть иностранцев.

Заложники, плотно сжатые телами террористов, понимали, что сейчас идет самая сложная фаза операции. Фаза, в которой все держится на тонкой нити доверия. Мужчина, крепко прижав к себе хрупкое тело женщины, шепотом успокаивал ее. Но его шепот ей казался дыханием тяжелобольного человека, чья жизнь может оборваться в любое мгновение.

Женщине все происходящее с ней казалось диким бесконечным сном. Она с огромным трудом сдерживала желание разметать вооруженных бандитов и вырваться из смертельного кольца, понимая, что малейшее неподчинение их воле повлечет смерть. Пересохшими губами она щептала слова мольбы Богу о милосердии и прощении за все грехи, не задумываясь о том, что она их не совершала. Доли секунд ей казались годами, в которых смешалось все – запах трав и цветов, бездонное небо и лица людей, людей – живых, тех, которых она знала, и тех, кого никогда не видела в своей жизни, оказавшейся сейчас в зависимости от чужой злой и мрачной человеческой воли. Той воли, которая не имела земного права властвовать над ней без Высшего соизволения.

Ее шепот был слышен боевикам. Но они не понимали того, что она шепчет, не зная языка ее народа. Да и не хотели они ее понимать, поглощенные собственной мольбой к Аллаху, умоляя Его о сохранении собственных жизней. На двух разных языках люди просили Высшую Совесть, Распорядителя и Судью каждый о своем – одни о милосердии и прощении, другие – о сохранении жизни.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

ЁШ ОИЛА ҲУЗУРИДА

Ҳар бир инсоннинг тўкин бахти шубҳасизки унинг оиласи билан боғлиқ. Оиладаги муҳитнинг тинч ва фаровонлиги эса кўп жиҳатдан рўзғор бошлиғи бўлмиш ҳазрати эркакларимиз зиммасида. Чунки улардаги шиддат, ғайрат, ишбилармонлик қобилияти бу муҳитда ҳам ўз қудратига эга. Холбека опа беш ўғлони орасида «ёлғизгина гули-раъном» дея улғайтирган Раънохонга ҳарбий йигитдан совчи келганида, унинг ҳолатини она сифатида ҳис қилиш мумкин. Бир кўнгли совчиларга розилик берсам, куёвимнинг касби сабаб қизим мендан узоқларда яшайди, соғинч қийнайди деса, бир кўнгли ҳарбий йигит оилага мустаҳкам бўлади, қизим зориқмайди, шундай куёвинг бўлганига нима етсин, дейди бу қалбига илиқлик беради. Шундай қилиб, ота-онаю жигарлар томонидан гўзал Раънохон ҳарбий касб эгаси бўлган Асқаралига муносиб топилди. Галламулла қишлоғининг шўх-шаддод аёллари сулув келинчакни Яккабоғ туманидаги Кўчактепага нолали ёр-ёрлар билан узатиб боришди. Ойдек келинчак ўзи сайлаб келин қилган Жамила опа бағрида маълум муддат оила сабоғини олгач, турмуш ўртоғи хизмат қилиб турган шаҳарга отланди. Шу ўринда ёш ҳарбий оила сардори бўлмиш шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Асқарали Абдуллаев ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Чунки ушбу хизматчидек ўз касбини мукаммал эгаллаган, тажрибали посбон бўлиш осон эмас.

Муддатли хизматни артиллериячилар сафида ўтаган тўпчи посбон зиммасидаги бурчга масъулият билан ёндашди. Тез орада унга гуруҳ командирлиги ишониб топширилди. Армия мактабининг синовларида обдон тобланган йигит ота-онаси бағрига қайтар экан, унинг келажаги шу мактаб билан узвий боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қилиб турарди. Истаги ҳақиқий мақсадга айлангач, Асқарали 2003 йилда шартнома асосида хизмат бошлашга муваффақ бўлди. Сержантлар тайёрлаш мактабидаги олти ойлик таҳсилдан сўнг, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларида секция командири вазифасида хизмат қилиш насиб этди йигитга. 2006 йилдан эса ундаги тажриба ва малака ҳисобга олиниб, Жануби-ғарбий махсус округ сержантлар тайёрлаш мактабининг ўқув жараёни бўлимига ўргатувчи вазифасига масъул бўлиш юклатилди. Бу орада унга куёвлик либоси насиб этганди. Мақола ёш ҳарбий оила ҳақида бўлганлиги учун суҳбатимиз ҳам Асқарали билан шу мавзуда кечди.

– Ҳар қандай йигит маълум касбга эга бўлиб ўзини тиклаб олгач, оила қуришни истайди албатта, – дейди суҳбатдошим жиддий қиёфада. – Турмуш ўртоғимни онам топган. Раънохон билан илк учрашувдаёқ бир-биримизга маъқул келдик. Менимча тўйдан кейинги севги муҳим ҳисобланса керак. Чунки мен ҳаётимдан жуда мамнунман. Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлатимиз томонидан берилаётган катта эътибор эса биздек ёш оилаларга катта таянч бўлаяпти. Ҳозирда бир қатор қулайликларга эга ҳарбий ётоқхонадан бизга икки хонали жой ажратиб берилган. Ҳаётимиз орзу қилганимиздек кечаяпти. Бу албатта мен учун хизмат жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ҳарбийлар ётоқхонасида кўплаб оилалар истиқомат қилишади. Энг асосийси, бу ерда ҳамма шароитлар муҳайё.

Лавҳамиз қаҳрамонларига қайтадиган бўлсак, камсуқум, майин жилмайиб турадиган Раънохон билан суҳбатимиз мазмунли кечди. Ҳаётидан мамнун келинчакни ҳарбий оиланинг барча синовларига тайёр эканлигини англаш қийин эмасди. Айни дамда эса бу бахтиёр ёшлар фарзанд кутишаётган бўлса, ажабмас. Зеро, икки инсон ўртасидаги меҳр-муҳаббатнинг бардавомлиги оила чироғи бўлмиш фарзандларга ҳам боғлиқ. Биз ушбу оиладан қайтар эканмиз, бир-бирини еру кўкка ишонмай турган икки ёшнинг келажаги ёруғ эканлигини ҳис қилдик.

Зулфия ЮНУСОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

К ВАШЕМУ СТОЛУ

ПИРОГ «НЕЖНЫЙ»



ТЕСТО: смешать 100 г сметаны и 100 г майонеза, 2 яйца, 0,5 ч. ложки соды, 0,5 ч. ложки соли, 1 стакан муки.

Тесто получится консистенции густой сметаны.

НАЧИНКА: 2 – 3 картофелины, банка рыбных консервов в масле. Можно взять мелко порезанные окорочка, обжаренные с луком.

Смазать сковороду маслом. Натереть на крупной терке картофелины, посолить. На картофель положить начинку. Сверху залить тестом. Выпекать в духовке до золотистой корочки.

САЛАТ «РОЗОВЫЙ»

2 кг капусты нашинковать, 2 моркови и 1 маленькую свеклу натереть на крупной терке. Добавить 1 стакан растительного масла, 2 ст. ложки сахара, 1 стакан воды, 1 ст. ложку соли.

Все вскипятить. В кипящую массу влить 0,5 стакана 6-процентного уксуса. Снять с огня, уложить в стерилизованные банки и закатать. Перевернуть и укутать до полного остывания.

САЛАТ «ГРАНАТОВЫЙ БРАСЛЕТ»

Салат делается слоями.

Выложите на плоское блюдо слой натертого на крупной терке отварного картофеля. На него – слой отваренной и натертой моркови, потом слой мелко нарезанного отварного или жареного куриного мяса, затем вареную свеклу, натертую и перемешанную с измельченными грецкими орехами и, наконец, слой гранатовых зернышек. Каждый слой промазывайте майонезом. Дайте салату немного постоять – и он готов.

Особый вкус придают этому салату гранатовые зернышки.

«УЛИТОЧКИ» ИЗ СЕЛЕДОЧКИ

Разделать сельдь на филе, убрать все кости. Филе нарезать по длине на тонкие полоски (толщиной 1 см), скрутить в рулетики, проколоть зубочисткой, чтобы не раскрутились. Уложить на блюдо. На каждый выдавить немного майонеза и положить черную маслину без косточки. А можно эти же рулетики сделать с различными начинками, вложив в середину кусочек маринованного огурчика, или немного моркови по-корейски, или салат из морской капусты.

ПИРОГ «ДВА КАПИТАНА»

250 г сметаны, 250 г майонеза, 3 яйца, по щепотке соли и соды, 6 ст. ложек муки.

Замесить тесто. Половину теста вылить в смазанную маслом форму, сверху натереть на крупной терке сырой картофель, затем выложить мелко нарезанный репчатый лук и размятые рыбные консервы. Залить другой половиной теста. Выпечь в духовке за 40 – 45 минут.

МЯСО «ВАЛЕТ»

На 1 кг мякоти говядины надо 500 – 700 г лука (чем больше, тем вкуснее), соль, молотый перец, масло растительное (2 – 3 ст. ложки), масло сливочное (100 г).

Мясо режем кусочками (примерно 4х4 см), кладем на сковороду и выпариваем мясной сок. Как только его станет мало, добавляем растительное масло и жарим, пока мясо не станет слегка румяным. Добавляем сливочное масло, соль, перец, лук (нарезанный кольцами) и жарим, пока лук не станет прозрачным. Если будет мало масла, можно немного добавить растительного. Перекладываем мясо в кастрюлю, а в сковороду, где мясо жарилось, наливаем 1 стакан воды, доводим до кипения и выливаем ее в мясо. Ставим кастрюлю на огонь, доводим до кипения, убавляем его до минимума и томим мясо под крышкой 4 часа. Лук полностью расходится и получается мясо в луковом соусе. К такому мясу подойдет любой гарнир.

Мутахассис минбари

БАЛОҒАТ ФАСЛИ

Ўсмирлик даврини психологик, педагогик адабиётларда «ўтиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби иборалар билан ҳам аташади. Бу даврда ота-оналар ўсмир болаларга ғоят эътиборли, сезгир ва эҳтиёткор муомалада бўлишлари ўзлари учун ҳам фойдадан холи эмас.

Хўш, тиббиёт ходимларининг бу борадаги фикрлари ва ота-оналарга тавсиялари қандай? Болаларни тўғри йўлга солиш, руҳиятларига тегиб қўймаслик учун нималарга эътиборни кучайтиришлари керак? Шу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида Ангрен шаҳридаги болалар поликлиникасида салкам йигирма йилдан буён бош педиатр бўлиб ишлаб келаётган ва ўрта мактабларда психолог сифатида самарали фаолият юритаётган болалар шифокори Баҳринисо Ғуломовна Ўрозбековани суҳбатга тортдик.

– Ўсмирлик даврининг «кескинлиги» нималар билан асосланади?

– Ўсмирлик даврида ривожланишнинг барча жиҳатлари – жисмоний, ақлий, ахлоқий, ижтимоий ва шу кабиларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгаради. Бу даврда ўсмир ҳаётида, унинг руҳияти, организмининг физиологик ҳамда ижтимоий ҳолатида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ҳолларда уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил вазиятлар кузатилади. Бу пайтга келиб бола энди «бола» эмас ва шу билан бирга «катта» ҳам эмас. Буни психологлар кўплаб ҳаётий мисоллар орқали тадқиқ қилишган. Ўсмирнинг ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатлари бутунлай бошқача характер кашф этиб боради. Унинг қизиқиши шаклланади, ўз-ўзини англай боради ва ўз-ўзини баҳолайди ҳам. Унинг учун ўз «мен»и ва шу «мен»нинг аҳамияти ортади.

– Бу пайтда ота-оналарнинг ёки устозларнинг қаттиқроқ танбеҳи таъсирида қаттиқ сиқилиб юрадиган, тушкунликка тушадиган болалар кўп учрайди. Уларни тўғри йўлга солишда нималарга эътиборни кучайтириш лозим?

– Иш фаолиятида ана шундай салбий ҳодисаларга дуч келганман, яъни катталардан озор чекканда ёки улар кўнглини тушунмаганларида ўсмир ўғил болалар ва қизлар одамови, ички тарангликка бериладилар. Бу ёшдаги бола ўта таъсирчан бўлади, у ўзига эътиборли бўлишларини истайди. Ота-онасидан, дўстларидан хафа бўлса, қаттиқ таъсирланади. Тўғри, тарбия, оилавий муҳит, боланинг характеридан келиб чиқиб бу ҳар кимда ҳар хил кечиши мумкин. Жаҳлини жиловлай олмаган ўсмирнинг кўзини парда қоплаб, уни хафа қилганлардан «ўч» олмоқчи бўлади. Ўз навбатида, айрим оталар ҳам қаттиққўлликни меъёридан ошириб юборадилар. Бу вақтда болага ётиғи билан тушунтириб, унинг руҳиятини кўтарадиган сўзларни ишлатсангиз, у тез ҳовридан тушади. Бола борки, мақтовни суяди. У бажарган бирор юмушнинг камчиликларини майинлик билан тушунтириб, яхши томонларини мақтаб қўйиш керак. Шунда у кейинги сафар руҳланиб дарс тайёрлайди, иш бажаради. Уларнинг қизиқишларини ортиқча тергаб қўйиш ҳам яхши натижа бермайди. Ҳатто биз катталар ширин сўзга, мақтовга ўзимизда маҳталлик сезамиз, ахир.

Яна бир воқеа. Ўрта мактаблардан бирида 6-синфда ўқийдиган қизалоққа синфдоши бўлган болакай севги изҳори қилиб хат ёзади. Дарсда буни топиб олган болалар қизнинг устидан масхаралаб кулишади. Устози ҳам қизга ҳамманинг ичида дакки беради. Арзимаган араз қизни одамови қилиб қўяди. У атрофидагилардан нафратлана бошлайди, ҳеч кимга гапирмай қўяди. Бу нарса ҳам болада турли камчиликлар ва ҳатто касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳам руҳият билан боғлиқ нарса, ўсмир ёшдаги болада ана шундай ички таранглик, таъсирчанлик кучли бўлиши учун ҳам унга муносабатда оқилона иш тутиш лозим.

– Балоғатга етиш даврида ўсмир организмидаги ўзгаришлар кўпинча ана шундай ноҳуш ҳодисаларни ҳам келтириб чиқаради. Бунда кўпроқ ким айбдор?

– Шаҳар мактабларида ўсмир болаларга балоғат ёши, организмда юз берадиган жиддий ўзгаришлар тўғрисида бирмунча маълумотлар берилади, аммо қишлоқларда менталитетдан келиб чиқибми, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида чегара сақланади. Бу эса кўп ҳолларда зарар келтиради.

Қишлоқдан 12 яшар болани олиб келишди, жигари шишиб кетган, аҳволи оғир. Буви болакайнинг бир ўзи отаси ишдан қайтгунча 100 та ғишт қуйганини фахрланиб айтди. Ғиштнинг ҳар бири тахминан 10 кг.га тўғри келади. Ваҳоланки, болакай олти ой олдин сариқ касаллиги билан оғриган, организми ҳали мўрт, жигари заиф. Ота-она уни кекса бувига ташлаб қўйишган, бунинг устига шифокорлар буюрганидек парҳез ҳам қилишмаган. Биз онасини чақиртирдик, «меҳнатдан ҳеч ким ўлмаган-ку», деди ўрта ёшлардаги аёл кўзини лўқ қилиб. Тўғри, болани меҳнат қилишга ўргатиш керак, аммо унга жисмоний қувватига, ёшига қараб иш буюрган маъқул. Аксинча, болаларимизни улғаймасдан туриб майиб бўлиб қолишларига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Баъзи оналар ўсмир қизларига ҳам оғир уй юмушларини бажаришга мажбурлашади. Ваҳоланки, қиз бола бўлажак она, уни ҳудди ниҳолни етиштиргандек асраб-авайлаб улғайтириш керак. Қиз болага гўзаллик, назокат ярашади. Кейинчалик у ана шу назокатни бировнинг уйига борган чоғида муомаласида намоён этади.

Мен айрим масъулиятсиз оналарни тушунмайман. Ахир боласи яримжон бўлиб қолса, ким унга қўшилиб жабрини тортади?

– Баҳринисо Ғуломовна, жинсий балоғатга етиш ва жисмоний ривожланишдаги ўсиш ўсмир руҳиятига қандай таъсир кўрсатади?

– Жинсий балоғатга етиш ва жисмоний ривожланишдаги ўсиш ўсмир руҳиятида янги психологик тузилишларнинг юзага келишида муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, бу ўсмир учун жуда сезиларли ўзгаришлардир, улар ўсмирнинг катта бўлганини ҳис қилишининг юзага келишининг объектив манбаи бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, жинсий балоғатга етиш бошқа жинс вакилига қизиқишни ривожлантиради, янги кечинма, ҳиссиёт, туйғуларни юзага келтиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўсмир шахси шаклланишига фақат катталар учун мўлжалланган китоблар ва кинофильмлар салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис ўсмирни назорат остига олиш, меъёрдан чиқмаслигига ҳаракат қилиш лозим.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА суҳбатлашди.

БУДЬ В ФОРМЕ!

Чтобы устранить внешние изъяны телосложения, многие сограждане «наводняют» всевозможные спортзалы и секции. Благо, в столице их великое множество, и имеются они почти на каждом шагу.

– Обычно народ идет в тренажерные залы, чтобы за два-три месяца вернуть или приобрести нормальную физическую форму. Конечно, все зависит от степени нагрузок и частоты занятий. Начинающим стоит посещать спортзал три раза в неделю по 1 – 1,5 часа, а затем можно ходить два раза. В зале обязательно должен быть тренер, который разработает индивидуальную программу. Если вы просто так будете заниматься: там две минутки побегали, тут гантельками пару раз взмахнули, то и результата особого не ждите. Скорее всего вам грозит надорванный живот, растянутая нога или что-нибудь в этом роде. Лучше заплатите немного больше, зато эффект будет! – говорит тренер Алексей Тонев.

Тўғри, салмоқли ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритиш осон бўлаётгани йўқ. Ахир ёш давлатга дунёнинг ҳар жабҳада илғор, ривожланган халқлари билан тенг қадам ташлаш, изланиш, янги-янги имкониятларни қидириб топишнинг ўзи бўлмайди. Чуқур ўйлаш, мулоҳаза қилиш керак. Миллий манфаатларимиз билан боғлиқ ҳар бир масала ёки ишда хотиржамликка, бепарволикка йўл қўйишга асло ҳаққимиз йўқ. Мингйилликлар қаъридан келаётган Буюк Карвон садолари – Ўзбек давлатчилиги анъаналари миллатни огоҳликка, ҳушёрликка, ўзаро жипсликка, бир тану бир жон бўлиб яшашга чорлайди. Зеро, гўзал Ўзбекистонимиз ота-боболардан қолган бебаҳо мерос, омонат ҳисобланади. Бизнинг бундан ортиқ бойлигимиз йўқ. Она тупроғимиз, Ватанимизнинг ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асрашгина эмас, уни келажак авлодларга озод ва обод, янада гуллаб-яшнаган ҳолда етказишимиз шарт. Ҳа, эрк учун туғилиб, эрк учун жон берган қаҳрамон аждодларнинг шонли анъаналари ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган. Ўзбек ўз юртини ҳеч қачон ғанимларга топтатиб қўймайди.

> МИНГЙИЛЛИКЛАР ҚАЪРИДАН КЕЛАЁТГАН БУЮК КАРВОН САДОЛАРИ – ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ МИЛЛАТНИ ОГОҲЛИККА, ҲУШЁРЛИККА, ЎЗАРО ЖИПСЛИККА, БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ ЯШАШГА ЧОРЛАЙДИ.

Майор
Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

–Мен Ҳиндистоннинг Майсур университетида магистрантман. Инглиз, ҳинд, корейс тилларида эркин гаплашаман. Дунёнинг турли бурчакларидан келган ёшларга она Ўзбекистоним тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қиларканман, уларнинг кўз ўнгида жаннатмакон диёрим гавдаланади. Бизнинг азиз Ватанимиздаги каби инсон омилига эътибор, инсон қадрининг юксаклигини рости, бошқа юртларда учратмадим,– дейди Бумоҳира Сулаймонова. – Истиқлол биз, ёшларга яна бир буюк туйғуни берди: хорижда таҳсил олаётган талаба борки, Ўзбекистон соғинчида, меҳрида, қанотида яшайди.

Бундай имкониятга эришишга интилаётган ёшларни кўп учратамиз, улар гоҳ тил ўрганиш курсларида, гоҳ кутубхоналарда ўз маънавий оламини бойитиб борадилар. Мактабда таълим олаётган ўғил-қизларимиз учун маблағ тўламаймиз, мактаб тўгараклари, қўшимча дарслар ҳам кўпинча бепул ташкил этилади. Улардан оқилона фойдаланиш ўзимизга боғлиқ.

– Келажакда ким бўлмоқчисиз?

Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактабнинг юқори синф ўқувчиларини саволга тутамиз. Йигит-қизларнинг аксарияти дадил жавоб қайтаришади: кимдир шифокор, кимдир ҳарбий учувчи, кимдир ўқитувчи ва яна кимдир меъмор... Хуллас, ёшларнинг келажак режалари аниқ ва бу йўлда улар баҳоли қудрат изланишмоқда. Кимдир дарсдан ташқари тўгараклар, пулли курсларга қатнаса, кимдир ҳунар ўрганиш мақсадида усталар ҳузурига отланади. Яна бир тоифа болалар ўз келажакларини белгилашни ота-онаси орқали ҳал этадилар. Нима бўлганда ҳам, боланинг келажагига мактабданоқ мустаҳкам пойдевор қўйишни истаган ота-оналар ютқазмайди. Ахир, биз юқорида фахр билан гапирган таниқли спортчилар, истеъдодли санъаткорлар ҳам ўз ютуқлари пойдеворини мактаб партасидаёқ қўйиб бўлишган. Инсон аслида бахт ва эзгулик учун дунёга келади. Шу орзу-умид билан яшайди. Инсоннинг шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида, юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ўринни эгаллайди. Оилада тарбиянинг негизига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади.

Ўзбек халқи табиатан болажон халқ. Болага нисбатан бағрикенглик, меҳрибонлик, фидойилик халқимизга хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам ота-оналаримиз фарзандларининг пухта билим олишлари, қизиқишлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишлари учун барча имкониятларни яратадилар. Тарбиясиз одамни мевасиз дарахтга қиёслаш мумкин. Ота-оналар тарбиячи бўлишлари учун ўзларида гўзал фазилатлар мужассам бўлмоғи керак.

Доно халқимизнинг бизга буюк мерос сифатида қолдирган қадриятлари ичида бола тарбиясига боғлиқлари беҳисоб бўлиб, улар ҳамма давр учун ибратлидир. Ўзбек оилаларида фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ расм-русумлар мавжуд. Жумладан, болани бешикка белаш унинг тарбиясида мўъжизавий қудратга эгалиги сир эмас. Бешикни тоза сақлаш, бола ётган хонанинг ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш, кийимларини тоза тутиш, вақтида овқатлантириш боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Энг асосийси, бола таглиги доимо қуруқ ва тоза сақланади.

Ўтмишда ота-боболаримиз бола тарбиясида юксак маҳорат эгаси бўлганликларини кўп эшитганмиз. Оналаримиз бола йиғласа меҳр билан бешик тебратиб, алла айтганлар. Эртаклар айтиб болани тўғри фикрлашга, яхши билан ёмонни фарқлашга ўргатишган. Дарҳақиқат, эртаклар болажонларимиз тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Бунда тўғрилик, поклик, ҳалоллик ҳақидаги ўзбек халқ эртаклари муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Буюк педагоглардан бири шундай деган: «Дастлаб болада онага меҳр уйғотмоқ керак. Онани севган инсонни севади, инсонни севган Ватанни севади». Бу ибора заминида чуқур маъно ётади.

Болаларга замонавий билим бериш билан бирга, улар тарбияси билан жиддий шуғулланишимиз зарур. Уларга дунё янгиликларидан тортиб, компьютер сабоқларидан то космик фазо сир-асрорларигача бўлган билимларни берсагу, лекин виждон, эътиқод, одоб каби инсон учун энг муҳим ахлоқий билимлар борасида тушунча бермасак, бунинг натижасида жамиятимизда катта йўқотишлар, ижтимоий фожиалар юзага келиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим тизимига ажратилаётган маблағлар давлат бюджети умумий миқдорининг қарийб 38 фоизини ташкил этади. Дунё давлатларининг бирортасида таълим тизими учун бунчалик миқдорда маблағ ажратилмайди, уларда бу кўрсаткич кўпи билан 5-8 фоизни ташкил этади. Бу дегани таълим тизимига эътибор бошқа давлатларда паст деган маънони билдирмайди, албатта.

Агар республикамизда 2005 йилда таълим соҳаси харажатларига давлат бюджетидан 922 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлса, бу миқдор 2006 йилда 1 триллион 250 миллиарддан кўпроқ сўмни ташкил қилади. Бу ижтимоий соҳага ажратилган давлат бюджетининг 58 фоизидан кўпроғи демакдир. Жамиятнинг тўлақонли аъзосини ҳар томонлама мукаммал қилиб тарбиялаш бугуннинг энг долзарб ва устувор вазифаси ҳисобланади. Таълим тизими эса жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бу имкониятлар ва шарт-шароитларнинг барчаси ёш авлод бўлган болаларга бағишланган экан, уларнинг бу имкониятлардан самарали фойдаланишларига туртки бўлишимиз керак. Таълим-тарбияни чамбарчас олиб бориш муҳим. Шунингдек, болани тежамкорликка, тадбиркорликка, ташаббускорликка ва меҳнатсеварликка ўргатиш ота-онанинг бурчидир. Болани имкон қадар мустақил, эркин фикрлашга йўналтириш лозим. Улар билан ўртоқларча муносабатда бўлишлик болада меҳрни кучайтиради. Чунки келажагимиз уларнинг қўлида.

Инсон орзу билан яшайди. Келажакда орзуларнинг амалга ошиши мавжуд имкониятларга, шарт-шароитларга, орзулар шунчаки ҳавас эмаслиги ва ниҳоят шахснинг индивидуал психологик хусусиятларига ва иродасига боғлиқ. Кимдир ширин орзулар билан яшайди ва орзуларининг кўп қисми йиллар ўтиши билан ўша орзулар қанотида қолаверади. Кимдир орзу-ҳавасларга етишда ғайриқонуний, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар билан ўзига, халққа, яқинларига жабр қилади. Кимдир ҳаётида ўз меҳнати ва иродаси туфайли ўз орзуларига тўла эришади ва бу унга, халқига, яқинларига обрў-ҳурмат олиб келади.

Ўзининг болалигидаги эзгу орзу-ниятларини ҳаётда тўлиқ намоён қилиб, Ўзбекистонни дунёга танитаётган кўплаб спортчи, санъаткор, ҳунарманд усталар ва бошқа ватандошларимизнинг ва бутун дунёга машҳур бўлган мутафаккир олимларимизнинг ҳаёт йўли, уларнинг заҳматли меҳнати биз учун сабоқ бўлиши керак. XXI аср интеллектуал авлод асри экан, унда кенг имкониятлардан фойдаланиб, мақсад сари шиддат билан интилмоқ, юрт равнақи ва халқ фаровонлигига эришиш лозим. Шундагина ҳаётимиз янада сермазмун, умримиз бардавом бўлаверади.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Қуролли Кучларимиз хизматчиси бўлмиш ушбу соҳибжамол ўқотар буржи остида таваллуд топган.

Очиққўнгил ҳамда самимий қиз – Альфия Идриева ёшлигидан гулларга, уларни ўрганиш, ўстириш ҳамда гулдасталар тайёрлашга жуда қизиқади. Унинг айтишича, гўзаллик ва нафосатга интилиб яшаш инсон ички дунёсини янада бойитади, эзгуликка чорлайди.

Ўз мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатувчи Альфия спорт билан шуғулланишни канда қилмайди. Айниқса сузиш машғулотлари унинг жону дилидир.

Ўз касбининг моҳир устаси бўлишни олдига мақсад қилган доимий рукнимизнинг бу галги меҳмонига бу борада омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар биригизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Куни кеча Республика Миллий Матбуот Марказида 26 – 28 сентябрь кунлари Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган «Ҳимоя ва қутқарув – 2006» Халқаро Марказий Осиё кўргазмаси олдидан, республикамизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Тойжон Тўрақулов ва вазирлик вакиллари, «DELTA BI EX» ўзбек компаниясининг савдо-сотиқ бўйича директори Тимур Исламов, «Ўзмахсусимпэкс» кўргазмани расмий қўллабқувватловчи давлат корхонаси бош директори Эрик Бегишев ва бошқалар қатнашишди.

Кўргазмага Европа ва Осиё давлатларининг ушбу соҳага алоқадор 250 га яқин ташкилот, корхона ҳамда компаниялари иштирок этади.

Кўргазманинг асосий мақсади ҳозирда қўлланилаётган ва келажакда жорий қилиниши кутилаётган хавфсизлик, ҳимоя, қутқарув соҳаларига зарур замонавий техника ва тизимларни намойиш этишдир. Шунингдек, шу соҳа мутахассисларини янги технологиялардан воқиф қилиш ҳамда ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш ва юксалтиришдан иборатдир.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтган «Ўзбекистон» қўшиғи ватандошларимизнинг севимли қўшиғига айланган бор гап. Устоз санъаткоримизнинг ўзи басталаган мазкур хониш ўлмас наволар сирасидандир.

ЎЗБЕКИСТОН

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

НАҚОРАТ:

Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон.

Қалқонингмиз қасд қилса ким гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга,
Гулдай ўниб асрагаймиз остонангни,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўрғонингга.

НАҚОРАТ:

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади,
Тинчлигингни кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади,
Тинчлигингни кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.

ЎЗЛАРИМИЗ ЎРГАНАМИЗ

КЎҲНА ТАРИХ ГУВОҲИ



Қадимий Шарқ меъморчилигининг энг яхши намуналарини ўзида мужассамлаштирган кўҳна Арк Бухоро ҳукмдорларининг қўрғони ҳисобланган. Бир неча асрдирки, замин узра салобат тўкиб турган бу такрорланмас мўъжиза бағрида не-не сир-синоатлар яширин. Ушбу ноёб обида бир неча бор вайрон этилиб, қайта тикланган ҳақида қадим манбаларда баён этилади. Бухородаги қадимий шаҳарсозлик ёдгорлиги ҳисобланган Арки олий дастлаб милоддан аввалги I асрда бунёд этилган. У шаҳарнинг энг қадимий қалъаси ҳисобланиб, араблар истилосига қадар бу ерда шаҳар ҳокимлари – бухорхудодлар яшаган.

IX-X асрларда у қайта қурилиб, девор ва буржлар билан мустаҳкамланган. XI-XII асрларда қорахонийлар, XIII асрда мўғуллар босқини даврида Арк бир неча бор вайрон этилган. Ҳозир сақланиб қолган кўриниши эса асосан XV-XVI асрларда шаклланган.

Дарҳақиқат, ушбу қадимий обида Бухоро заминига қилинган кўплаб босқинчиликларнинг гувоҳи бўлган. Александр Македонский юришлари, кўчманчи қабилалар ҳужуми, араблар, мўғулларнинг талатўплари ва ниҳоят XIX-XX асрлардаги аёвсиз оёқости қилишлар...

Аркнинг баландлиги йигирма метр бўлиб шаҳар ўртасида қурилган. Тўрт гектар майдонни эгаллаган. Айтиб ўтилганидек, унинг деворлари турли даврларда ҳар хил ашёлар – тош, хом ва пишиқ ғишт ҳамда қалин пахсалар билан мустаҳкамланиб борилган. Бу деворлар баландлиги 16-20 метрдир. Арки олийга кўтарилиб борувчи улкан дарвозадан ичкарига кирилган. Бир пайтлар унинг шарқида ҳам салобатли дарвоза бўлганлигини қариялар яхши эслашади. Ҳозирги кунда дарвозахона пештоқининг ҳар иккала ён томонидаги равоқли хоналар, улар оралиғидаги уч қаватли бино тўла сақланган. Арк ичкарисига узун далон – йўлак орқали кирилиб, чап ва ўнг томонда ўзига хос меъморий ечимда қурилган йигирма бешта тахмонтокча ўриш олган. Чап томондаги токчаларнинг баъзиларида обхонага кириладиган эшик кўзга ташланади.

1920 йилнинг ёзида Бухорога уюштирилган босқин қадим шаҳар тарихидаги энг қаттиқ жанглардан бўлганлиги бугун яхши маълум. Манбаларда ёзилишича, Бухоро 1920 йилнинг 29 августида ҳам ердан, ҳам ҳаводан қаттиқ бомбардимон қилинган. 2 сентябрь куни эса Арк эгалланиб, йигирма кун давомида шаҳар аланга ичида қолган. Ушбу босқинда Арқдаги хазина мусодара қилинган. Арк ва Регистон ёндирилган, Арк ертўлаларидаги мисли-сиз бойликлар – олтин, кумуш тангалар беаёв таланган.

Ўша пайтда уч мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Арк уч кун давом этган талатўпдан мисли-сиз азият чеккан. Ташланган бомбаларга фақат Аркнинг гўзумдан ясалган дарвозалари бардош берган, холос. Бу табаррук жойнинг бошига қандай синовлар тушганини ҳозир Аркнинг шимоли-шарқидаги «Чилдухтарон» мақбараси, жануби-ғарбда жойлашган «Баттол Ғозий» хонақоси, хос ҳаммом қолдиқларидан ҳам билиш мумкин.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида таниқли археолог олим А.Муҳаммаджонов раҳбарлигида бу ерда илмий изланишлар, қазишма ишлари бошланганди. Экспедициянинг мақсади – Бухоронинг ёшини аниқлаш бўлиб, бу иш осон кечгани йўқ, албатта. 20 метрлик шурф турли мосламалар билан мустаҳкамланиб, кейин қазишмалар давом эттирилган. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Арк бундан 2500 йиллар илгари барпо этилган экан.

1990 йилда Арк тепасида Тошкент илмий таъминлаш институти ходими Е.Некрасова томонидан қазиш ишлари давом эттирилди. Бунда музей археологлари ҳам бевосита қатнашдилар. Қазишмалар жараёнида хонақо атрофидаги ҳужраларнинг пойдеворлари, ҳовли ичкарисидан супа, тошнов, тазар, яхоналар топилди.

Бу хонақо ҳужраларидаги сандал, тошнов ва яхоналар Бухоро ўтмишидан сўзлаб турарди. Ўрганилган манбаларга кўра, аждодларимиз музни то кеч кузгача кигизларга ўралган ҳолда сақлай билишган ёки Арк қўрғони канализацияси услубий бир тармоққа йиғилиб, шаҳар ташқарисига чиқариб юборилган, хос ҳаммомдаги қурилиш мажмуи мураккаблиги, унинг тўрт томонидан гўлах (ўтхона)лари доимий равишда бир хил иссиқлик бериб туриши маълум бўлди.

XVII аср охирида қурилган пешайвонли жоме масжиди кишини ҳайратга солади. Унинг деразалари панжарали, деворлари ички томонидан нақшлари орасига Қуръон оятлари битилган. Пешайвон шифти мураккаб гирихлар билан безатилган, жозибадор шакл берилган. Яна нарироққа юрсангиз, сарой масжидидан бошланган тор йўлак Қушбеги ҳовлиси орқали Чорсуга туташганлигини пайқайсиз. Чорсунинг чап томонида тош ётқизилган ҳовли – кўринишхонага кўзингиз тушади. Бу ерда ўша даврларда тахтга ўтириш маросимлари, элчилар учун қабул кунлари ўтказилган. Хуллас, Арк ўтмишда Бухоронинг энг муҳим стратегик аҳамиятга эга қўрғони ҳисобланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз Бухоро тарихий обидаларини қайта таъмирлашга шахсан бош-қош бўлдилар. Хусусан, Шарқ гавҳари – Бухоронинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан амалга оширилган ишлар шаҳар жамолини янада яшартириб юборди. Тўй иштирокчиларида Арки олий ҳам маф тункорлиги ҳам кўҳна тарихга гувоҳлиги билан катта таассурот қолдириши керак эди. Шундай бўлди ҳам. У қисқа давр ичида таъмирланиб, асл ҳолига қайтарилди. Арк ичкарисидаги саломхонанинг тахт жойи, ҳовли дид билан таъмирланди. Бу ерга келган ватандошларимизу хорижлик сайёҳлар энди ушбу обидага бефарқ қараб ўтолмайди. Чунки, Арқда фаолият бошлаган Бухоро давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси мутасаддилари аждодларимиз ўтмиши билан боғлиқ хотираларни қайта тиклаш йўлида изланмоқда.

Бугун Арқдаги музей-қўриқхона Бухоронинг ҳақиқий ўтмиши, тарихини ўзида акс эттирмоқда. Арк фонди қарийб ўн икки минг экспонатга эга бўлиб, улар етмишга яқин бўлимга ажратилди.

Ҳа, Бухорон шариф ўзининг умрбоқий ёдгорликлари, унга қайта умр бағишлаётган, шуҳратини оламаро ёяётган асл фарзандлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Арки олий эса Бухоронинг меъморий рамзи сифатида яна асрлар давомида салобат ила оламга мағрур боқиб тураверади.

Духовность и просветительство

ЗА ЗНАНИЯМИ – В БИБЛИОТЕКУ

Всегда многолюдно бывает в библиотеке, где заведующей работает служащая Вооруженных Сил Нелли Храмова. И причиной этого в первую очередь – ее душевные качества. Для каждого читателя она найдет доброе слово, каждому даст дельный совет, подскажет, какую книгу прочитать, что выбрать для семейного чтения.

Читатели библиотеки – жители военного городка. Это офицеры, военнослужащие по контракту и ушедшие в резерв или отставку, а также члены их семей. Они идут сюда, чтобы повысить свой культурный уровень, расширить кругозор, иметь образное представление о закономерностях развития общества, познакомиться с перспективами нашего движения вперед по пути экономических реформ и демократических преобразований.

В этом им помогают труды Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, а также чтение общественно-политической, военно-мемуарной литературы. Большой интерес вызывают художественные произведения, особенно на героико-патриотическую тематику.

Книжный фонд библиотеки составляет несколько десятков тысяч экземпляров. Читателей – тоже немало. В их распоряжение предоставлен читальный зал с подшивками газет и журналов. Практикуется открытый доступ к книгам.

Нелли Викторовна к своей работе (а трудится она здесь 20 лет) относится с присущим ей чувством ответственности. Это отмечают командир и его заместитель по воспитательной работе, а также непосредственный начальник.

Свою практическую деятельность библиотека осуществляет на основе привлечения инициативы и творчества самих читателей. Создан совет библиотеки, который многое делает по повышению культурного уровня жителей военного городка. Входящие в его состав активисты организуют дни книги, читки и обсуждения новых произведений. С интересом участвуют в литературных вечерах, посвященных творчеству писателей, а также знаменательным датам в истории литературы. Всем запомнились прошедшие здесь мероприятия, такие, как тематический утренник «Алишер Навои», поэтический утренник, посвященный памяти Зульфии, – «Признание в любви», литературный утренник «Стихи узбекских поэтов».

Члены совета библиотеки принимают активное участие в оформлении книжных выставок. Читателей привлекают такие из них, как «15 лет независимости», «Узбекистан: история, география, культура», «Новый день Узбекистана», «Литературный Узбекистан», «Солнечный край», «Счастливый мир детства» и другие. Постоянно обновляется и пополняется стенд «В помощь общественно-политической подготовке офицеров».

– Библиотечные богатства становятся достоянием массового читателя, когда книги покидают свое место на полке, когда их читают, – говорит Нелли Викторовна. – Понимая это, совет библиотеки систематически пропагандирует книгу среди жителей городка и военнослужащих части и добивается вовлечения в свои ряды новых и новых читателей.

– Самым главным пропагандистом книги является сама Нелли Викторовна, – вступает в разговор студент 3-го курса Узбекского государственного университета мировых языков Артур Хакимов. – С большим удовольствием прихожу в библиотеку.

Заведующая библиотекой старается привить всем военнослужащим любовь к чтению. Она считает, что из талантливого произведения они извлекают поучительные жизненные уроки, берут в пример себе героев, обладающих высокими моральными качествами. Перед многими своими читателями Нелли Викторовна открыла широкий путь к знаниям, к нравственному совершенствованию, формированию черт характера, необходимых защитнику Родины.

Сергей БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўра Фозилнинг «Муҳаббатнинг байрамлари», «Барқут мавсум», «Бухоро элчиси», «Бухорийнинг қайтиб келиши», «Бахт юлдузи», «Болаликнинг ёлғиз ёдгори» каби кўплаб ҳикоялари, қиссалари чоп этилган. Қуйида ҳали сиёҳи қуримаган ҳикояларидан бирини ёзувчи «Ватанпарвар» мушгарийларига, юрт ҳимоячиларига туҳфа этмоқда.

СОҲИЛДАГИ УЙ

(ҲИКОЯ)

Қош қораймоқда. Баҳорнинг изғирин аралаш шамоли тўқайзорда ҳуштак чалар, бўтана тўлқинлар пишқириб, қирғоққа безовта бош урарди. Гугуртли қишлоғи тун қаърига секин-аста ғарқ бўлмоқда, исми-жисмига монанд, гугурт қутисидай тизилган уйларда бирин-кетин чироқлар порлай бошлаган, фақат тик қирғоқдаги чоғроққина уй дераза-ларида нур кўринмасди.

Кун бўйи деразадан баҳор сувларини олисолисларга ҳайдаётган дарёга тикилиб ётган Худойберган бобонинг хира тортган кўзлари энди ҳеч нарсани кўролмас, чол «тиқ» этган товушга қулоқ тутиб, Оқмарални кутарди. Оқмарал – Худойберган бобо сингари якка-ёлғиз яшайдиган, энди 17 га тўлган етим қўшни қиз. Худойберган бобо уч йилдирки, тўшакка михланган. Чолнинг катта шаҳарда яшайдиган, ўзига тўқ бир ўғил, бир қизи бор. Улар оталарини сира йўқламайдилар.

Оқмарал чолнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Худойберган бобо эса қизни узундан-узоқ дуо қилар экан, овози титрайди, оппоқ соқоли ҳўл бўлади...

...Ниҳоят, ташқарида қадам товуши эшитилди, эшик ғичирлади.

– Худойберган бобо мана, мен келдим! – остонада шодон овоз берди қиз. – Шу аснода порлаган чироқ фақат мўъжаз хонани эмас, чол кўнглини ҳам мунаввар этди. Чунки, Оқмарал келди дегунча, бу ғариб хонага ҳаёт қайтиб келгандай бўларди.

Қиз печкага саксовул қалади, тез орада қора қумғон биқирлаб қайнади...

Иссиқ чой чолнинг баданини яйратди, у ҳузур қилиб, кўзларини юмганча хаёлга берилди. Оқмарал эса ҳар кунги одатича, китобга мук тушди. У «Чолиқуши»ни ўқирди. Китобнинг сарғайган саҳифаларига қизнинг кийик кўзларидан «чақчақ» ёш томарди. У чолга билдирмай, сассиз йиғлар, Худойберган бобо саҳифалар шиғир-шиғирини эшитарди холос.

Қиз китобнинг гўзал дунёсига ғарқ бўлган, Худойберган бобо эса ҳудди шу аснода энди жуда олисларда қолиб кетган ёшлигини ўйларди.

Ўшанда ҳам эрта баҳор эди. Амударё соҳилида Наврўз сайли давом этар, нариги қирғоқдан келган қизлар гугуртлилик йигитлар билан байтбарак қилишарди. Ўша куни у илк бор Гулжамолни кўрганди. Қиз оқ юзли, гулдек нозик эди.

Шу илк учрашув уларнинг тақдирини белгилаб берди. Орадан кўп ўтмай тўй бўлди. Сўнгра икки ёш Қизилқумнинг дарёга туташ олис яйловларида чўпонлик билан машғул бўлдилар. Бир қиз, бир ўғил кўрдилар.

Эр-хотин узоқ, бахтли ҳаёт кечирдилар. Фарзандлар эса учирма полапонлардек, олис шаҳарларга йўл олиб, ўша ерда қўним топдилар, уйли-жойли, бола-чақали бўлдилар ва бу дунёда Гугуртли деган ғариб бир қишлоқ борлигини батамом унутдилар...

Худойберган бобо ва Гулжамол буви эса ҳамон бир жуфт мусичадек бўлиб, соҳилда аҳил-иноқ яшашарди.

Қартайгач чўпонликни ташлаган Худойберган бобо табиатни беҳад яхши кўрганидан уззу кун тўқайзорни кезиб, қушлар чуғурига маҳлиё бўлар, дарёдан балиқ овларди.

Уч йил бурун Гулжамол буви юрак хуружи оқибатида тўсатдан вафот этди. Унга жуда боғланиб қолган Худойберган бобо ҳам кўп ўтмай, оғир дардга чалиниб, тўшакка михланди... Кўзларини юмганча ҳамон хаёл сураётган чол бу оғир йўқотишни эмас, ўша илк учрашувни эслар, кўз ўнгида Гулжамолнинг гулдек кўркам чеҳраси намоён эди.

Чолнинг соқоли яна кўз ёшларидан ҳўл бўлган, лекин буни ўзи сезмасди. Хонанинг ҳар икки сокини бир-биридан яшириб йиғлар, аччиқ ёшлар яширин эсада, юрак йиғисини яшириш мушкул эди.

Оқмарал, ўзиям кийикдек дуркун ва гўзал қиз, Фариданинг аччиқ қисматидан кўз ёши тўкса, Худойберган бобо Гулжамолнинг Наврўз сайлидаги гул юзини эслаб, оҳ чекади.

Жўра ФОЗИЛ.

(Давоми бор).

Кўнгилга ташриф

ЭЛ НАЗАРИ – УЛУҒ МУКОФОТ

Наманганнинг Чустида вояга етган Ҳошим ака зиёли оила фарзанди. Умрларини халқ саломатлигини тиклашга бахшида этган Саломхон ака Арслонов ва Малоҳат опалар етти ўғил қизни олий маълумотли қилиб камолга етказишди. Врач, ўқитувчи, ҳарбий соҳа вакили, санъаткор. Асосан шифокорлар сулоласи сифатида Чустга танилган оила фарзандининг санъатга кириб келишида айнан падари бузрукворларининг ўрни катта бўлганлиги ҳақида таниқли санъаткор шундай дейди:

– Кичкиналигимда футболчи бўлиш иштиёқи юқори бўлган. Шунинг учун Тошкентдаги спорт мактабида тўққизинчи синфгача машҳур спортчи Владимир Фёдоров билан бирга сабоқ олганман. Бироқ икки маротаба оёғимдан жиддий жароҳатланганимдан сўнг орзуимдан воз кечишимга тўғри келди. Чустга қайтиб ўқишимни мактабда давом эттирдим. Санъат йўлини танлашимда эса дадамнинг ўрни катта десам, арзийди. Улар шифокор бўлсада, адабиётга меҳри баланд бўлиб, шеърлар ижод қилиб, бизга ифодали ўқиб берардилар. Дадамга қизиқиб, шеърлар ёд олардим. Бу қизиқишим мактабимиздаги ансамблга бошловчилик қилишимга сабаб бўлди.

Мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмасдан ҳужжатларимни Маннон Уйғур номидаги актёрлик факультетига топшириб,талаба бўлдим.

Талабалик чоғларидаёқ бир қатор муваффақиятларга эришган талантли ёш актёр дастлабки фаолиятини «Ёш гвардия», ҳозирги Аброр Ҳидоятов номли театрда бошлади. Унга илк роль сифатида «Чандиқлар» спектаклидаги бош қаҳрамон образини яратиш ишониб топширилди. Орадан оз фурсат ўтмай «Қора камар» спектаклида талқин этган Абдулла Набиев образи учун ёшлар иттифоқи совриндори бўлиш насиб этди. Шундан сўнг Ҳошим Арслонов саҳнадаги бетакрор роллари билан эл меҳрига сингиб борди. Таниқли санъаткорнинг бир қатор кинофильмларда – «Марғиёна»да вазир, «Отамдан қолган далалар»даги Ақраб образлари халқимизнинг севимли қаҳрамонларига айланиб улгурган. «Отамдан қолган далалар» фильмида санъаткорнинг фарзандлари Жамшид ва Бобурлар ҳам роль ижро этишганидан кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак.

– Қизиғи шундаки, мен ўғилларимни ҳеч қачон актёрлик касбини танлашга рағбатлантирмаганман, – дейди Ҳошим ака шу мавзуда суҳбат кетар экан. – Ҳатто бошқа касб эгаси бўлишларини истардим. Шунга қарамай улар кино синовларидан ўтиб, бир неча фильмларда роллар ижро этишди. Катта ўғлим Жамшид ҳарбийлар ҳаётига бағишланган кўп қисмли «Сардор» видеофильмида Ботир ролини талқин этган бўлса, Бобур шу фильмнинг давоми «Сардор II»да сержант Мансуров образини яратди. Шунингдек, у ҳозирда Тошкент давлат санъат институтининг актёрлик бўлимида таҳсил олиш билан бирга, бир қатор фильмларда суратга тушди. Кичик ўғлим Жавоҳир мактаб ўқувчиси бўлса-да, акаларидан қолишмай болаларга бағишланган «Зумрад ва Қиммат», «Орзу ортидан» фильмларида роллар ижро этган. Шунингдек, «Шумтака» киножурналида қатнашиб туради.

– Ҳошим ака, дубляждаги фаолиятингиз ҳақида билмоқчи эдик.

– Дубляждаги фаолиятимга ўн йил бўлаяпти. Ҳозирда «Синема-маркет» билан ҳамкорликда ижод қиляпман. Бунда асосан ҳинд фильмлари қаҳрамонларига овоз берилади. Яна Мексика ва Корея давлатлари сериалларининг дубляжига ҳам қатнашиб тураман.

Таниқли ижодкорнинг дубляждаги маҳорати тан берса арзигулик. Бунинг учун актёрнинг биргина «Эсмеральда» сериалидаги саккизта образга турлича овоз берганлигини эслаш кифоя.

– Айни дамда кино ва театрдаги ижодингизга тўхталиб ўтсангиз.

– Театримиз ижодкорлари томонидан ҳозирда Шекспир қаламига мансуб «Қийиқ қизнинг қуюлиши» спектакли саҳнага тайёрланаяпти. Мен унда бош қаҳрамон Петруччо образини яратаяпман. Шунингдек «Ҳаёт давом этади» бадиий фильмида генерал образини талқин этиш менга ишониб топширилди. Ҳарбий соҳанинг бундай нуфузли вакилини очиб беришга астойдил ҳаракат қилаяпман. Шубҳасизки, бу роль менга жуда ёқди.

– Ўртоқ «генерал», янглишмасам турмуш ўртоғингиз Мавлудахон опа ва қизингиз Дилафрўз ҳарбий ташкилотда хизмат қилишади, яъни Қуролли Кучлар хизматчиси. Шу билан бирга ўғилларингизни ҳарбий соҳа вакили бўлишини истаганингиздан хабардормиз.

– Бу борада журналистлардан сир яшириш қийин. Мен ростдан ҳам фарзандларимни ҳарбий хизматчи бўлишини жуда хоҳлардим. Ҳатто иккинчи ўғлимни шу соҳада таълим олишига ундаб ҳам кўрдим. Бироқ у актёрлик касбини танлади. Ҳозирча умидим кенжатойимдан. Чунки ҳарбий хизмат ҳақиқий эр йигитлар касби.

Ўта камтар ва сухандон Ҳошим Арслонов яқиндагина 50 ёшни қаршилади. Серқирра ижодкорни гоҳо дубляжда, гоҳида театр саҳнаси ва кино экранда, баъзида эса телешоуда бошловчилик фаолиятида учратасиз. Ғайрати йигитлардек, бир зум тиниб-тинчимас маҳоратли актёр доимо эл эътиборида, халқ назарида. Санъаткор учун юрт меҳридан ортиқ унвон бўлмаса керак.

Зулфия НОСИРЖОНОВА суҳбатлашди.

Санъатнинг минг бир қирраси мавжуд. Шундан театр ва кино санъати доимо эл эътиборида, назарида туради, десак янглишмаймиз. Бироқ соҳа ижодкорларининг, саноқлиларигина халқ меҳрига, ҳурматига сазовор бўлиши мумкин. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган Аброр Ҳидоятов номидаги театрнинг етакчи актёри Ҳошим Арслонов бу довондан аллақачон ҳатлаб ўтган. Кўплаб спектаклларда, кино ва видеофильмларда бетакрор роллар ижро этаётган, машҳур чет эл фильмларига овоз бераётган, телешоуда фаол қатнашаётган серқирра ижодкорни республикамизда етти ёшдан етмиш ёшгача яхши билишади. Эл севган санъаткор билан бўлган суҳбат сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Театральный сезон

ЛЮБОВЬ ЖИВЕТ НАДЕЖДОЙ

Государственный академический Большой театр оперы и балета имени Алишера Навои, не изменяя своим традициям, продолжает исполнять свою основную функцию – воспитывать и культурно обогащать население Узбекистана. Здесь по-прежнему в репертуаре знаменитые оперы известных композиторов, которые заставляют задуматься о важных жизненных приоритетах. И одна из таких – «Травиата».

Для времени ее создания (1852–1853 гг.) она была не приемлема. А все потому, что та правда, которая передает смысл произведения, была не выгодна обществу. Однако истинное искусство всегда живо. Это история о большой любви двух разных людей. Они абсолютно из разных миров, но искренность их чувств очень велика, и она пытается прорваться сквозь многие табу. Главная героиня – Виолетта (Муяссар Разакова, народная артистка Узбекистана и Каракалпакстана), первый раз за всю жизнь ощутила искреннее, волнующее сердце, душу чувство. И, несмотря на все сомнения, она ответила взаимностью своему ухажеру Альфреду (Нурмумин Султанов, лауреат международных конкурсов). На протяжении всего действа они отчаянно пытались сохранить свое счастье, не обращая внимания на все преграды и трудности. Они пылко любили друг друга. А любовь, говорят, – всепобеждающая сила. Любовь осталась между ними, вот только вместе им не суждено было быть. После долгих расставаний, страданий, поражений, кажется, что счастье уже рядом, но трагедия потрясла всех. Выясняется, что Виолетта смертельно больна. Героиня в отчаянии, когда счастье так близко, ей хочется жить и мечтать, но единственная радость в жизни – это любовь к Альфреду. И отец его уже дал согласие. И все вроде так хорошо... Но времени больше нет. Не будет продолжения прекрасной сказки со счастливым концом, не будет безмятежных грез, мучений и переживаний, не будет ничего.

И вот последняя встреча, Альфред знает всю правду. Счастье влюбленных беспредельно, они мечтают начать новую жизнь, но силы оставляют Виолетту, радость ее сменяется бурным отчаянием – она не хочет умирать на пороге своего счастья. И запоздалое согласие отца Альфреда на брак уже ничего не решит. Опоздали. Тишина... В последнем порыве Виолетта бросается к Альфреду и умирает на его руках...

Опера имеет огромный успех. Особую гордость испытывает ташкентский зритель от того, что опера «Травиата» исполняется артистами ГАБТа на языке оригинала. Прощально в конце звучит мелодия скрипок, ставшая темой любви Виолетты и Альфреда. А зритель из зала уходит с мыслями, а что могло бы быть, если... Но это уже совсем другая история.

Эналида ТЯН.

ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ

Матч за мировую шахматную корону

В столице республики Калмыкия открывается матч за мировую шахматную корону между нынешним чемпионом мира болгарином Веселином Топаловым и россиянином Владимиром Крамником. Этот объединительный поединок за звание чемпиона мира, проведение которого неоднократно срывалось в предыдущие годы, шахматные специалисты уже окрестили «матчем века». Призовой фонд – 1 миллион долларов США, причем согласно регламенту участники гарантировано получат «чистыми» (не подлежащими налогообложению) по 500 тысяч долларов вне зависимости от итогов. Соперникам предстоит сыграть 12 партий с классическим контролем времени. В случае ничейного счета предусмотрен тайм-брейк – 12 октября состоятся дополнительные партии с укороченным контролем времени.

Кличко будет отстаивать свой титул

Чемпион мира в тяжелом весе по версии IBF украинец Владимир Кличко будет отстаивать свой титул в поединке против американца Кэльвина Брока 11 ноября на знаменитой арене Нью-Йорка «Мэдисон Сквер Гарден». Кличко выиграл бой за звание чемпиона мира по версии IBF в апреле, победив в семи раундах другого представителя США, Криса Берда, в Берлине. Брок на год старше Кличко, но относительный новичок на профессиональном ринге. Однако он не проиграл ни одного раунда в 29 боях, отмечает Reuters.

Возвращение в «Королевские гонки»

Команды «Формулы-1» согласились увеличить число этапов чемпионата мира 2007 года до 18, дав возможность итальянскому автодрому в Имоле вновь включиться в число участников гонок. Это решение должно быть одобрено Комиссией Международной автомобильной федерации по «Формуле-1», а также Всемирным советом мотоспорта, сообщает Reuters. На днях состоялась встреча, в которой участвовали президент «Феррари» Лука ди Монтеземоло, хозяин «Больших гонок» Берни Экклстоун и премьер-министр Италии Романо Проди. Ее результатом стало расширение количества этапов с 17 до 18, и трасса в Имоле вновь оказалась в календаре высшего класса автомобильного спорта.

Гольф в открытом космосе

Во время одного из выходов в открытый космос прибывший на орбиту 14-й экипаж МКС рассчитывает впервые в истории сыграть партию в «космический» гольф. «Щелкнуть» по беленькому мячику клюшкой должен был еще тринадцатый экипаж, однако НАСА не дало «добро» на подобные игры. Россиянин Михаил Тюрин осуществит «бросок в космос» при помощи клюшки, доставленной на МКС на космическом грузовике «Прогресс». «Я получил несколько уроков игры в гольф у учителей мирового уровня, которые преподали мне уроки не только техники, но и культуры этой игры, так как гольф – это целый мир», – отметил космонавт перед отлетом на станцию.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Авиамодель

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ

Яқинда Республика Мудофаасига кўмаклашувчи (МК) «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг ўн беш йиллигига бағишлаб, кордовой авиамодель спорт тури бўйича Ўзбекистон Кубоги ўтказилди. Мусобақа Тошкент шаҳрида жойлашган Бобур номидаги истироҳат ва дам олиш боғининг махсус майдончасида бўлиб ўтди.

Унда республикамиз вилоят ва шаҳарларидан келган 9 та команда, жами 90 дан зиёд спортчилар иштирок этишди. Мусобақани Халқаро тоифадаги ҳакам Ғайрат Каланов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари ва мусобақа ташкилотчилари бошқаришди.

Спортчилар авиамодель спорт турининг пойга, тезкор, фигурали учиш, ҳаво жанги ва нусха синфлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Қизғин ва муросасиз ўтган мусобақада фахрли 1-ўрин Тошкент шаҳри вакилларига (4548 балл), 2-ўрин Самарқанд вилояти спортчиларига (2889 балл), 3-ўрин Фарғона вилояти иштирокчиларига насиб этди.

Авиамодель спорт турининг синфлари бўйича якка ғолибликни Наманган вилояти спортчиси Энвер Ибрагимов, Тошкент шаҳри вакиллари Дониёр Ишмуҳаммедов ва Сергей Святмелар қўлга киритишди.

Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Ёзги биатлон

РУСЛАН – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Яқинда, Россиянинг Уфа шаҳрида спортнинг техник ва амалий спорт турларидан бўлган ёзги биатлон бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ёзги биатлон мамлакатимизда ўзининг яхши анъаналарига эга. Бу турдан спортчиларимиз Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақаларида фаол иштирок этиб, юқори натижаларни кўрсатишган. Жаҳон чемпионатида ёзги биатлон спорт тури ривожланган Россия, Белорус, Украина, АҚШ, Латвия, Германия, Чехия, Эстония, Сербия, Словакия, Болгария, Ўзбекистон каби давлатлардан келган спортчилар қатнашиб, ўз тезлик ва мерганликларини намойиш қилишди.

Осиёнинг бир неча марта чемпиони бўлган ҳамюртимиз Руслан Носиров «спринт» баҳсида маррага биринчи бўлиб етиб келди ва Жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Қувлаб ўтиш баҳсида ҳам Руслан терма жамоамизга кумуш медалини тақдим этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, август ойида Россиянинг Чита шаҳрида ёзги биатлон бўйича ўтказилган Осиё очиқ чемпионатида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли қатнашиб, медаллар шодаси билан қайтишган эди. Жумладан, Руслан Носиров олтин, Анузар Юнусов кумуш, Мурод Ҳожибоев бронза ва қизлардан Зарема Мамедова кумуш медаль билан тақдирланган эди.

Мазкур Жаҳон чемпионатида терма жамоамиз Россия, Белорус давлатларидан кейин умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллашди. Келажакда спортчиларимиздан бундан-да юқори натижаларни кутиб қоламиз.

Теннис

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Мустақилликдан кейин барча спорт турлари қатори теннисга ҳам катта эътибор берилгани бугун ўз натижасини бермоқда. Теннисчиларимиз дунёнинг машҳур ракетка усталари билан бемалол, тенгма-тенг беллашмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги дунё рейтингининг юқори поғонасидан жой олиб улгуришди. Кейинги пайтларда теннисчиларимизнинг халқаро спорт майдонларида қўлга киритаётган ютуқларига барчамиз гувоҳ бўлиб, қалбимизда фахр туйғуси жўш урмоқда. Яқинда, Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳам асосий совринли ўринлар юртдошларимизга насиб этди.

Жумладан, қизлар ўртасидаги баҳсларда Альбина Ҳабибулина барча беллашувларда рақибларини мағлубиятга учратиб, ғолибликни қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳслар ҳам қизғин курашларга бой бўлди. Ўзбекистонлик ёш иқтидорли теннисчи Важа Узоқов бу сафар ҳам юқори натижа кўрсатиб, барчани хушнуд этди.

Ўғил болалар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида ғолиблик яна вакилларимизга насиб этди. Унда кортга чиққан тажрибали теннисчиларимиз Рифат Биктяков ва Темур Комиловлар жуфтлиги бор маҳоратларини намойиш этиб, энг юқори поғонани эгаллашди.

Муқаддас ЁҚУБОВА.

Футбол. Осиё ўйинлари – 2006

ЯХШИ НАТИЖАЛАР КУТАМИЗ

Жорий йилнинг 28 ноябрь – 15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида XV Осиё ўйинлари ўтказилади. Мазкур мусобақа дастуридан жой олган футбол беллашувларида қитъамизнинг ўттизта терма жамоаси қатнашиш истагини билдирган.

Осиё ўйинларида 23 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган терма жамоалар тўп суради. Мусобақанинг финал қисмида жами 24 жамоа қатнашиши белгиланган. Бу гал Осиё ўйинларида иштирок этувчилар сони кўпайгани боис, ташкилотчилар 22 терма жамоа ўйинларни тўғридан-тўғри мусобақанинг финал қисмида бошлашини, саралаш босқичида беллашадиган саккизта терма жамоа орасидан эса иккитаси саралаб олинишини маълум қилди.

Терма жамоаларни гуруҳларга бўлиш учун ўтказилган қуръа ташлаш натижасига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси мусобақанинг энг кучли – «А» гуруҳидан жой олди. Унда футболчиларимиз мезбон терма жамоа – Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари ва 1-саралаш гуруҳининг ғолиби билан кучсинашади. Мазкур терма жамоалар қаторидан жой олиш учун Иордания, Тожикистон, Қирғизистон ва Макао футболчилари саралаш гуруҳи ғолиблиги учун ўзаро беллашади.

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоамизга тажрибали мутахассис – Рауф Инилеев бош мураббий этиб тайинланди.

Беллашувларда иштирок этадиган футболчиларимиз 24-27 сентябрь ва 7-9 октябрь кунлари ташкил этиладиган навбатдаги ўқув-машғулот йиғинларида қатнашадилар. Шунингдек, октябрдаги йиғин доирасида Таиланд футболчилари билан пойтахтда ўртоқлик учрашувини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби Ҳарбий прокуратура органларида узоқ йиллар мобайнида хизмат қилиб, нафақада бўлган

Бекиткире ТУЛЬБАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМОНОВ, А. КАМАЛОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2835. **Адади** 24300.